Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 6 август
СЕШАНБА
№ 150 (5.193).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ЗАРБДОР 90 КУНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўктамжон Каримов номини Қува районидаги «Социализм» колхозида ишбилармон, тажрибали деҳқон сифатида ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У аввалига бир неча йил колхоздаги 10-пахтачилик бригадасида ҳисобчилик қилди. Иш ўрганди. Шу давр ичида Ўктамжон ўзининг ҳаракатчанлиги, кишилар қалбига йўл топа олиши, ташкилотчилигини намоён қилди. Бригада аъзолари йигитни 1988 йили ўзларига бошлиқ этиб сайлашди. Жамоага тадбиркорлик билан раҳбарлик қилиши туфайли бригада хўжаликдаги илғорлар қаторига чиқиб олди. Ҳар йили режа ва мажбуриятларини ошиғи билан уддалашяпти. Колхозчилар оладиган даромад ҳам шунга яраша.

Шу кунларда бригада далаларида меҳнат қизғин. Жамоа жорий йилда 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнерлик маррани кўзлаб, кунни тунга улаб меҳнат қилмоқда.

Бригада аъзолари ғўза қатор ораларини 5 марта сифатли культивация, 3 марта озиқлантириш, 2 марта сифатли чопиқ ҳамда 2 марта мириқтириб суғоришга эришдилар. Шу туфайли ғўза ниҳоллари текис шоналаб, гуллай бошлади. Ниҳолларни кунда бир яшнатишда бригада механизатори Қодирали Маҳмудов, Бегали Жўраев, тажрибали сувчилардан Кимсанбой Ориповв, Икромжон Ёқубов, шунингдек, Ҳайитхон Отақулова, Шокирхон Мирзаева, Дилбарҳон Мадалиева каби дала юлдузларининг улушлари беқиёсдир.

Бригада аъзолари ниҳолларни шира, трипс ва ўргимчакканадан сақлаш учун курашни авж олдириб юборишган. Бунда назоратчи Хусанбой Шокировнинг ҳиссаси катта.

Хўжаликнинг Сирожиддин Турғунов, етакчилик қилаётган бригада жамоаси ҳам ғўза парваришини юқори агротехника қоидалари асосида олиб боряпти. Улар жорий йилда 54 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш йўлида фидокорлик кўрсатишяпти.

Ғўза ривожига ривож қўшаётган шу кунларда бригада механизатори Содиқжон Тошпўлатов, Авазхон Юнусовларнинг шижоати таҳсинга лойиқ. Бригада далаларида зарбдор 90 кунлик эълон қилинган. Шу фурсат давомида жамоа ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришга сўз олишган. Бригада механизаторлари трактор ишчи органларини пайкалнинг шароитига қараб мосламоқдалар. Ҳар бир чопиқ трактори билан кунига 6—7 гектар ердаги ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда. Бригада миришкорлари бу йил 70 фоиз ҳосилни машиналарда териб олишга азму қарор қилишган. Бунинг учун барча майдондаги ғўзалар машинабоп қилиб парваришланмоқда.

Ғўза қун санаётган, ҳосил тўплаётган ҳозирги долзарб паллада унинг баравж ривожланиши бевосита сувчининг меҳнатига боғлиқ. Буни яхши тушунган сувчи Қ. Отахонов экинни қондириб суғориш, ҳосил тугунчаларини кўпайтириш учун астойдил меҳнат қиляпти. Миришкор сувчи тунги суғоришга алоҳида эътибор бермоқда.

— Хўжалигимиз пахтакорлари ўтган йили режани районда биринчилар қатори бажарган эдилар, — деди колхоз правлениесининг раиси Ўзганбой Акрамов. — Бу йил ундан ҳам яхшироқ натижага эришамиз. Одамларга қўшимча енгиллик ва имтиёзлар яратиш учун барча имкониятни ишга солямиз. Ҳозирги кунда ғўза парваришига ҳар томонлама эътибор бериш зарур. Озгина бепарволикка йўл қўйилса, ҳосил бой берилади. Хўжалигимиз деҳқонлари бу йил 666 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 32 центнердан жами 2 минг 40 тонна юқори сортли хом-ашё етказиб беришмоқчи. Ғўза қатор ораларига юксак агротехника қоидалари асосида ишлов бериш ва ҳосилга ҳосил қўшиш ҳамда уни тўлиқ сақлаб қолиш мақсадида зарбдор 90 кунлик эълон қилдик...

Ҳа, шу кунларда хўжаликдаги 12 та пахтачилик бригадаларининг қай бирига борманг, ким билан гаплашманг, барчанинг фикри-зикри зарбдор 90 кунликни зарбдорчасига ўтказишга қаратилган. Ҳар бир бригадада сувчиларни икки-уч нафарга кўпайтириб, уларга етарли шарт-шароит яратиб берилмоқда. Айни кунларда пахтазорларда юзга яқин сувчи ғўза ниҳолларига обиҳаёт тараш билан банд. Ҳар бир пайкалда экиннинг баравж ва серҳосил бўлиб ўсиши таъминланмоқда. Бунда колхоз бош агрономи Мўминжон Маматов, биолаборатория ходимлари ҳамда 12 нафар дала назоратчиларининг ҳушёрлик ва тадбиркорлиги катта самара бермоқда.

Колхоз правлениеси, партия қўмитаси далада меҳнат қилаётганларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. 12 та дала шийпони дид билан безатилиб, колхозчиларнинг ҳақиқий оромгоҳига айлантирилган. Шу кунларда хўжаликда 3 та доимий, 2 та мавсумий, 4 та уй боғчалари ишлаб турибди. Далада ишлаётганларга тушлик пайтида иссиқ овқат, чой тайёрлаб берилаяпти. Шу боис далаларда яратувчилик ишлари авж олмоқда.

А. ТУХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз бош агрономи М. Маматов ва илғор механизатор С. Тошпўлатовларни кўриб турибсиз. 2. Миришкор бригада бошлиғи С. Турғунов (ўртада) сувчи Қ. Отахонов ҳамда З. Алиевлар ҳосилни кўздан кечириш аяпти.

Л. КИМ олган суратлар.

МАШИНА ТЕРИМИГА ШАЙМИСИЗ?

Пахта ҳосили учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди. Омилкор деҳқонларимиз ғўза қатор ораларига қнёмида ишлов бериш, бўлиқ ҳосил тугаётган экинни маромида суғориш, вақтида озиқлантириш каби тадбирларни амалга ошириш билан бирга йиғим-теримни пухта ўтказиш тараддудини кўришмоқда.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда зангори кемалардан унумли фойдаланиш муваффақият гаровидир. Пўлат отларнинг самарали ишлаши суворийлар маҳоратигагина эмас, далаларни машина теримига шайлашга ҳам боғлиқ.

Хўш, бунда нималарга эътибор бериш керак? Бу йил зангори кемалар зиммасига юкланадиган ҳосил салмоғи қандай?

ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи Р. НАЗАРОВ шу ҳақдаги ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Кейинги йилларда пахта ҳосилини машинада йиғиб-териб олишга эътибор кучайтирилмоқда. 1989 йили жами ҳосилнинг 52 фоизи пўлат этаклардан тўкилди. 1990 йили бу кўрсаткич 56 фоиз бўлди. Бу йил эса жами ҳосилнинг камида 60 фоизини зангори кемаларда териб олиш кўзда тутилмоқда. Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида эса 80—90 фоиз ҳосилни машиналарда йиғиштириб олиш мўлжалланган.

Етиштирилган ҳосилни вақтида ва юқори сифатли йиғиштириб олиш учун механизмлар билан бир қаторда далаларни ҳам машина теримига пухта ҳозирлаш керак.

Ҳосилни машиналарда териб олишда муваффақиятни таъминловчи омиллардан яна бири зангори кемалар учун ажратилган далаларда ғўза қатор ораларининг равон ва бир текис кенглиқда бўлишидир. Ғўза ниҳолларининг зичлиги, баландлиги ҳам бир хил бўлиши зарур.

Бундан ташқари ҳосили машинада териладиган дала юзаси паст-баланд бўлмаслиги даркор. Эгатларни ҳам сув ювиб кетмаслиги зарур.

Тажриба кўрсатадики, ниҳолларнинг ўсиб кетиши ва эгилиб қолиши зангори кемалар унумли ишлашига жиддий тўсқинлик қилади. Кўпинча азотли озуқани кеч бериш ва тупроқни ортиқча намлантириб юбориш шунга олиб келади. Шунинг учун ҳам суғоришни меъёрида, тупроқ ва ер ости сувлари қандай чуқурликда жойлашганлигини, ғўза ниҳолларининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш зарур.

Чеканкани вақтида механизмлар ёрдамида ўтказиш, йиғим-терим мавсуми олдидан баргни сифатли тўктириш ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишда муваффақиятни таъминловчи омиллардандир.

Ғўза баргини тўкадиган дорилар таъсири самарали бўлиши учун ҳам ниҳолларни тегишлича парваришлаш керак. Бунинг учун азотли озуқаларни беришни кечиктирмаслик даркор. Айни чоқда дефолиация пайти ғўза барглари пишган бўлиши керак. Ниҳолларда иккинчи бора барглар ўсиб чиқишига йўл қўймаслик зарур.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ғўза баргини тўкадиган дорилар (магний хлорати, хлорид-кальция хлорати) ҳавонинг ўртача иссиқлиги 17 даражадан кам бўлмаган тақдирда яхши натижа беради. Дропп дефолианти қўлланганда эса ҳавонинг ўртача иссиқлиги 20—22 даражада бўлиши керак. Шу боис барглари сунъий тўктириш тадбирини кечиктирмаслик зарур.

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАШГА ТАЙЁР

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар! Менинг сизлар ҳузурингиздаги бугунги нутқим мамлакат турмушидаги муҳим воқеага бағишланган.

Кейинги вақтларда янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилганлиги сизларга маълум. Бугун мен республикаларнинг Олий Кенгашлари томонидан вакил қилинган делегацияларнинг раҳбарларига хат юбориб, шартномани шу йил 20 августда имзолай бошлашни таклиф қилдим.

Ўз нуқтаи назарини ҳали белгилаб олиш лозим бўлган республикаларга ҳам хат юборилди. Шартномани биринчи бўлиб Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистон делегациялари имзолашлари кўзда тутилмоқда. Сўнгра, муайян вақт ўтганидан кейин — шартномани ишлаб чиқиш ва келишиб олишда фаол қатнашган бошқа республикаларнинг вакилларига навбат келади. Бундай тартиб Украина Олий Кенгашига лойиҳани кўриб чиқишни ниҳоясига етказиш имконини беради. Шу вақт ичида Арманистонда референдум бўлиб ўтади. Молдова Иттифоқ шартномасига муносабат тўғрисида қарор қабул қилади. Грузия, Латвия, Литва, Эстония халқлари ҳам бу ҳаётий масалада бир тўхтамга кела оладилар.

Шундай қилиб, биз кўп миллатли давлатимизни тенг ҳуқуқли совет суверен республикаларининг демократик федерациясига айлантиришнинг ҳал қилувчи босқичига кираяпмиз. Хўш, янги Иттифоқ шартномасининг тузилиши мамлакат турмуши учун қандай аҳамиятга эга бўлади? Аввало бу — халқнинг 17 мартдаги референдумда изҳор этган ҳоҳиш-иродаси рўёбга чиқишидир. Шартнома иттифоқни давомийлик ва янгилиш асосида ўзгартиришни назарда тутади. Иттифоқ давлатчилиги сақланиб қолади, унда мамлакатимиздаги одамларнинг кўп авлодлари, барча халқлар меҳнати мужассамлашган. Шу билан бирга суверен давлатларнинг янги, ҳақиқатан ихтиёрий бирлашмаси вужудга келтирилмоқда, ундаги барча халқлар ўз ишларини мустақил бошқарадилар, ўз маданияти, тили, анъаналарини эркин ривожлантирадилар.

Давлатчилигимиз ислоҳотининг маъноси ҳам айни мана шундан иборат. Бир томондан республикаларнинг мустақиллиги пишиқ-пухта кафолатланади, иккинчи томондан эса улар ихтиёрий равишда Иттифоқ идораларига, Иттифоқ қарамоғига топшираётган умумий вазифаларнинг ҳал этилиши ҳам мана шундай пишиқ-пухта таъминланади.

Мана шу масалалар устида, бутун диққат-эътиборни бериб, зўр масъулият билан меҳнат қилишга тўғри келди. Республикаларнинг Олий Кенгашлари ва СССР Олий Кенгаши, ҳукуматлар, жамоат ташкилотлари, илмий ташкилотлар кўп иш қилдилар, фуқароларнинг кўпдан-кўп таклифлари эътиборсиз қолмади. Янги Иттифоқ шартномасида янгиланган федерациямизда одамларнинг яшаши ва ишлаши учун нормал шароитни таъминлай оладиган оқилона манфаатлар мувозанати топилди.

Кейинги вақтларда сиз билан биз «қонунлар уруши» турли даражалардаги маъмурларнинг хатти-ҳаракати номувофиқлиги нималигини ўз тажрибамизда, таъбир жоиз бўлса аччиқ тажрибамизда синаб кўрдик. Мана шуларнинг ҳаммаси жамиятнинг турмушига, ўзгартишларнинг суръатларига, бутун қайта қуриш сиёсатига ҳаддан ташқари салбий таъсир қилди. Шартнома тузилгач, мана шундай нонормал ҳолатга олиб келган асосий сабаблар бартараф этилишига аминман. Ҳар ким ўз фаолияти соҳасини аниқ билиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши ва халқ олдида жавоб бериши керак. Бу эса қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш имконини беради.

Республикалар умумий манфаатларни кўзлаб Иттифоқ идоралари зиммасига давлат мудофааси ва ҳавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни юкламоқдалар. Шу мақсадда ягона Қуролли Кучлар ва ҳавфсизлик органлари тизимининг яхлитлиги сақланиб қолади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш имконини берадиган тарзда мувофиқлаштирилиши таъминланади.

Кўпгина муҳим масалалар Иттифоқ билан республикаларнинг қарамоғида бўлиб, улар бу масалаларни биргаликда ҳал этади. Шартномада баён этилган қоидалар асосида келишиб олиш воситалари амал қилади.

Шартноманинг кучга кириши иқтисодий тараққиётимиз шароитида ҳам катта ўзгаришлар бўлишини билдиради. Ваколатлар Иттифоқ билан республикалар ўртасида тақсимлаб қўйилиши шартномада мустаҳкамлаб берилиши ягона валюта, молия-кредит тизими, божхона қоидалари, келишиб олинган иқтимоий ҳимоя принциплари билан бирга жўшқин умумиттифоқ бозорини сақлаб қолиш ва ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутади. Корхоналарга иқтисодий ислоҳот берадиган афзалликлардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очилади.

Мана шундай бозор бўлмаса, бозорнинг асосий субъектлари — корхоналар, меҳнат жамоаларининг имкониятлари чеклаб қўйилса, хўжалик мустақиллигини қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини тасаввур этиш қийин. Эски хўжалик алоқаларининг узилиши меҳнат жамоаларининг ишларига салбий таъсир қилаётганлиги сабабли шундай алоқаларни сақлаб қолиш муҳимдир. Бироқ, шу билан бирга, ҳозирги вазият тақозо этаётган янги алоқаларни йўлга қўйиш ҳам лозим. Умумий иқтисодий макон доирасида республикалар билан минтақалар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш учун катта майдон бўлади. Биз энди хўжалик алоқаларининг узилиши нималигини, республикалар билан айрим минтақалар ўртасидаги чегараларга қўйилган тўсиқлар нималигини биламиз. Аммо бир иллат ҳали бартараф этилгани йўқ, у ҳали ҳам бор. Шу боисдан ҳам бизга умумий жўшқин бозор керак, барча халқларга, республикаларга, корхоналарга ҳам шундай бозор керак.

Янги Иттифоқ шартномасининг тузилиши халқаро фаолиятимизга ҳам муҳим янгиликлар киритади. Янгиланган федерация Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳуқуқий вориси эканини шартнома тасдиқлаб турибди. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам буюк жаҳон давлати бўлиб қолаверади. Унинг халқаро майдонда қўлга киритган мавқеи тўла-тўкис сақланади, бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятлари ҳам сақланиб қолаверади. Бу нарса биз учунгина эмас, бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам принципиал аҳамиятга эгадир, жаҳон ҳамжамияти янги халқаро муносабатларни вужудга келтиришга, шу муносабатларни соғлом ривожланиш ўзанига ўтказишга бизнинг мамлакатимиз қўшаётган ҳиссани юксак баҳоламоқда. Умумий ташқи сиёсат доирасида барча республикаларнинг имкониятлари ва аҳамияти янгича намоён бўлади. Шартнома ўларнинг ажнабий давлатлар билан дипломатия, консуллик, маданий ва бошқа тарздаги алоқаларини, савдо муносабатларини йўлга қўйиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш учун, мамлакатни жаҳон иқтисодиётига қўшиш учун янги имкониятлар очилади.

Хуллас, шартнома жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида яхшилик сари чуқур ўзгартишлар қилиш учун шарт-шароит яратади ва унинг ижобий таъсири яқин вақтлардаёқ намоён бўла бошлашини умид қилса бўлади.

Аҳволни жўн қилиб кўрсатмаслик керак, албатта. Шартнома ҳокимият ва бошқарув идораларини кўп жиҳатдан қайта тузишни кўзда тутади. Янги конституцияни ишлаб чиқиб, қабул этиш, сайлов қонунини янгилаш, сайлов ўтказиш, судлов тизимини қайтадан қуриш талаб қилинади. Мана шу жараён авж олиб бошлаган пайтда халқ депутатлари съезди, СССР Олий кенгаши, ҳукумат, бошқа Иттифоқ идоралари фаол ишлайверади.

Шундай билиб, биз Иттифоқимизни янгилаш босқичига қадам қўймоқдамиз, бу босқич катта афзалликлар бериши мумкин. Аммо у биздан алоҳида масъулият ва уюшқоқликни ҳам талаб қилади. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди. Эҳтимолки, давлатимиз тарихида энг чуқур ўзгаришлар рўй бераётгандир. Мана шу ишда жамиятдаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувликка кўп нарса боғлиқ бўлади. Одат бўлиб қолган бир тартибдан бошқасига, янгисига ўтиш ҳамиша қийин бўлади. Иттифоқ билан республикалар ўртасида, сиёсий ва жамоат ҳаракатлари ўртасида, Ватанимизни азиз билувчи ҳамма кишилар ўртасида иноқлик зарур. Эндиликда, биз шартномага эга бўлган ва уни яқин вақт ичида республикалар имзолайдиган бир пайтда мухолиф ҳеч бир асоссиз сиёсий тоқатсизликни давлатимиз турмушидан мустасно қилмоқ керак. Ҳозирча шундай ҳоллар бор, улар жамиятни беқарорлаштирмоқда, унинг ҳозирги қийин, танг шароитда жипс бўлиб ишлашига имкон бермаяпти.

Биз бутун мамлакатга керакли ислоҳотлар йўлига ўтдик. Янги Иттифоқ шартномаси эса тангликни тезроқ бартараф этишга, турмушни янги изга солиб юборишга ёрдам беради. Бу эса ҳозирги энг муҳим иш десам, фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман.

КРЕМЛДА МАЖЛИС

3 август куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Вазирлар Маҳкамаси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда мустақил (Литвадан ташқари) республикалар ҳукуматларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисда мамлакат бутун аҳолисининг ва халқ хўжалигининг манфаатларига дахлдор катта, ҳаётий муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат таъминоти масаласига алоҳида эътибор берилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жиддий қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун шарт-шароит борлиги таъкидланди. Уларни рўёбга чиқариш учун СССР Президентининг деҳқончилик саноат комплекси мажмуи ишидаги иқтисодий омилларни кучайтиришга ва уни моддий-техникавий ресурслар билан таъминлашни яхшилашга, қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни оширишга қаратилган махсус фармонини тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Юзага келган вазиятда барча даражаларда — марказда, республикаларда ва жойларда ҳосилни йиғиштириб олиш учун қўшимча куч ва ресурсларни жалб этиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда ёқилғи-энергетика мажмуидаги, мамлакат халқ хўжалигини қишки-шароитда ишлашга тайёрлашдаги, аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини ёқилғи билан таъминлашдаги ишларнинг аҳволига доир масала ҳам муҳокама қилинди.

Ёқилғи-энергетика мажмуи бир қанча тармоқлари раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Уларнинг кўпчилиги зарур самара олинишига кафолат бермай, янги-янги ресурслар ажратилишини талаб қилиб, эскичасига ишлашни давом эттирмоқдалар. Нотиқлар иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, мазкур мажмуада бозорга ўтиш вазифаларига мувофиқ бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш муҳимлиги ҳақида гапирдилар. Иттифоқ ҳукумати республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда мазкур муаммоларни ҳал этишга доир тадбирлар дастурини шу йилнинг сентябригача тайёрлаши тўғрисида келишиб олинди. Шу билан бирга мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда молиявий ишлар ва пул муомаласининг аҳволи, ССР Иттифоқи билан жумҳуриятларнинг бу аҳволни барқарорлаштиришга доир биргаликдаги ҳаракат дастурини амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вазият Иттифоқ билан республикаларнинг биргаликда ғайрат қилиб ишлашларини тақозо этаётгани таъкидланди.

СССР Бош вазири В. С. Павловга республикалар ҳукуматларининг раҳбарлари билан биргаликда ўн кун муддат ичида молиявий ишлар ва пул муомаласи соҳасидаги аҳволни барқарорлаштиришга доир долзарб тадбирлар мажмуини федерация кенгашининг яқин орада бўладиган мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалаларнинг натижалари юзасидан ССР Иттифоқи билан мустақил республикалар ўртасида 1992 йил учун иқтисодий битимни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги кучғайратларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги тўғрисида умумий фикр билдирилди.

(ТАСС).

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

Фарғона вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленумида КПСС Марказий Комитети 1991 йил апрель ва июль пленумлари қарорлари асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида вилоят партия ташкилотлари ва комитетларининг вазифалари муҳокама қилинди. Фарғона вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Ғ. Фозилов маъруза қилди.

Пленумда 1990 йилги партия бюджетининг ижроси тўғрисидаги ва Фарғона вилоят партия ташкилотининг 1991 йилги бюджети ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул этилди.

(ЎзТАГ).

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

3 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни ташкил этиш масалалари Марказий Комитет комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси вакилларининг Қорақалпоғистонда, республика вилоятларида ва Тошкент шаҳрида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишни ташкил этишнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу масалада жиддий хатолар ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Бу айниқса, Фарғона вилоятининг шаҳар ва районларига хосдир. Вилоят ижроия комитети, шаҳар, район ижроия комитетлари ва савдо ташкилотлари раҳбарларининг сусткашлиги, баъзида масъулиятсизлиги ҳамда вилоятдаги партия идоралари назорат этмаётганлиги сабабли ҳанузгача энг зарур маҳсулотларни белгиланган миқдорда сотиш тизими жорий этилмаган. Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, «Ўзбекбирлашув раҳбарларига ва вакилларга қисқа муддат ичида белгиланган миқдордаги маҳсулотларни сотишнинг ягона тизимини жумҳуриятнинг бутун ҳудудида жорий этиш тавсия қилинди.

Комиссия мажлисида «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг, «Узкоопзаготторг» бирлашмаси ва «Узплодоовощсвинпром» концернининг ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини кучайтириш, маҳсулот тайёрлаш ишларини яхшилаш ҳамда республика аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишлари тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ҳар соҳанинг ўз саркори бор

ИНСОН КЎНГЛИ ГУЛДЕК НОЗИК

Неъмат МАТИБРОҲИМОВ,
Оҳангарон районидаги Алишер Навоий номли давлат хўжалиги директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати

●

Бозор иқтисодиёти муносабати билан юзага келган қийинчиликларни енгаман деган раҳбар тадбиркор, ишбилармонларга суянади. Негаки эндиликда мутлақо эскича ишлаб бўлмайди. Кўпга бош бўлиш осонмас. Қўл остингдаги кишилар юриш-туришинг, билим, тажрибангни, одамгарчилигни тезда синовдан ўтказишади. Совхоз директори этиб сайланганимда шу фикрлар тинчлик бермасди. Шароит мушкул, чорва туёқ сони камайган, озуқа етиштириладиган ерлар ошириб юборилган. Асосий майдон адирликдан иборат. Одамларга суяндим. Тадбирларни амалга оширишда кексалар билан маслаҳатлашдим. Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишда янглишмасликка ҳаракат қилдик. Тармоқлар йириклаштирилди. Қорамолчилик, йилқичилик, қўйчилик, чўчқачиликни жадал ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Боғдорчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, полизчиликка бўлган муносабат ҳам ўзгарди.

Хўжалик раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ депутати сифатида зиммамда улкан масъулият ётарди. Бахтимга ишчи ва хизматчилар мени ўзларига яқин олиб, ҳурматимни жойига қўйишди. Қўлни-қўлга бериб ишга киришдик. Совхоз ихтиёрида 16.200 гектар майдон бўлиб, шундан 7.100 гектари яйловлардир. Тоғлар, адирлар қўйнида 18 мингга яқин қўй-қўзи боқилаяпти. Ғайбулла Иброҳимов, Умарқул Қурбонқулов, Салим Ойнақулов каби бош чўпонлар хизмат бурчига ижодий ёндошишаяпти. Айниқса Эсонбой Аҳмедов ҳамкасблари ўртасида ажралиб туради. Ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан. Илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланади, таваккал қилишдан чўчимайди. Ана шундай фидойи чўпонлар садоқати туфайли бу йил ҳар юз совлиқдан 110 тадан дуркун қўзи олинди.

Хўжалигимизда ўндан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб меҳнат қилишмоқда. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус, украин дўстлик қуч-қудратини амалда намойиш этаяпти. Аксарият ишчилар асосан ўзбек тилида гаплашишади. Жумладан Николай Левадний, Мария Боргер маҳаллий аҳоли турмуш тарзи, урф-одатларини ўзлаштириб олишган. Тўй-маъракаларда иштирок этишади. Умуман оғир дамларда дўстлик бизга мададкор бўлмоқда десам муболаға эмас.

Қорамолчиликни ривожлантиришнинг ўзи бўлмади. Бир вақтлар моллар касалланиб, мажбурий гўштга топширилган экан. Янгитдан тўла механизациялашган ферма бунёд этдик. Зотли моллар сотиб олдик. Чорвадорларнинг унумли ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қўлимиздан келган барча ишни қилаяпмиз. Сигирлар маҳсулдорлиги ортаяпти. Қишловга тайёргарлик уюшқоқлик билан бормоқда. Шу кунгача 6.150 тонна дағал хашак, 3.000 тонна сенаж, 1.750 тонна сомон, 20 тонна витамин уни жамғарилди. Тадбирлар шарофати туфайли дастлабки қувончли натижаларга эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ой мобайнида давлатга режадаги саксон тонна ўрнига 150 тонна гўшт, 54 тонна ўрнига 92 тонна сут топширилди.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили озуқадир. Аввалари маккажўхорига бўлган эътибор сусайтириб юборилган экан. Коммунистлар, халқ депутатлари бошчилигида паҳлавон экин парвариши оби-тобида амалга оширилди. 1.710 гектар ердаги ғалла тез ва соз йиғиштирилди. Ҳосилдорлик қутилганидан яхши. Сомони пресланиб, қўраларга яқин жойларга ташиб берилди.

Бозор шароитида иложи борича иқтисодиётни юксалтириш ҳақида ўйлаш керак. Хўжаликда бу йил пилла етиштиришга ихлос билан ёндошдик. Пиллакорларга арзимаган иш ҳақи тўланганлиги сабабли кўпчиликнинг кўнгли совиган экан. Ипак қурти тарқатишда жуда қийналдик. Хонадонларда бўлиб тушунтириш ишларини олиб бордик. Кумуш тола ижодкорларига амалда ёрдам кўрсатилди. Уларга янги нархда ҳақ тўланди. Жумладан бир килограмм юқори нав пилла учун қарийб 26 сўмдан берилди. Биласизми, қишлоқ кишилари жуда меҳнаткаш, инсофли бўлишади. Яхши гапириб, ҳурматларини жойига қўйсанг, улар ҳар қандай топшириқни аъло даражада бажаришади. Айниқса, Убайд қишлоғида истиқомат қилаётган Нурмат Собиров ва унинг оила аъзоларидан жуда хурсандмиз. Қийин дамларда шахсий ибрати билан барчани олға ундади.

Жорий йилда совхоз бўйича 410 қути ипак қурти парваришланди. Қабул пунктларига қарийб 18 тонна кумуш тола топширилди. Ваҳоланки бу соҳада уч йилдан буён режа бажарилмай келинаётганди.

Совхоз партия, касаба уюшмаси қўмитаси вазнятга тўғри баҳо бериб, инсон омилига эътиборни кучайтирмоқда. Ўзбекистон ССР Президентининг ҳаётбахш фармонларини муваффақиятли бажариш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Муаммолар йўқ эмас. Улар чорвачиликни давр талаби даражасида ривожлантиришга тўсиқ бўлаётир. Чўчқачилик тез ривожланадиган, сердаромад соҳалиги маълум. Лекин ем бўлмаса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Эндиликда кимнингдир марҳамат қилишига кўз тикиш бефойда. Шу боис келаси йилдан ўз кучимиз билан ем тайёрлаш йўлларини ўйлаяпмиз. Бизга наслдор отлар учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан бир кварталда 100—150 тонна махсус емиш ажратилиши керак. Бу ҳам қоғозда қолиб кетмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ депутати сифатида масъулиятни чуқур ҳис қилишга, сайловчилар ишончини қозонишга астойдил ҳаракат қилаяпман. 1993 йилгача қатор қишлоқларни газлаштириш, ичимли сув билан таъминлаш ташвишидаман. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Экологик муҳитнинг ночорлиги кўпчиликда норозилик туғдирмоқда. Олмалиқ рангли металлургия ҳамда химия заводлари чиқиндилари сувни заҳарламоқда. Оҳангарон цемент заводи тозалагичлари эскириб қолган. Натижада сабзавот экинларига, боғларга жиддий зарар етказилмоқда. Депутат сифатида одамлар мушкулини осон қилиш, камчиликларни бартараф этиш учун қўлимдан келган барча ишни қилаяпман.

Бир нарса мени қувонтиради: ишчи ва хизматчилар эртанги кунга ишонч билан боқмоқдалар. Каттаю-кичик қийинчиликлар вақтинча эканлиги, яхши яшаш учун яхши меҳнат қилиш зарурлигини қалбдан ҳис этишмоқда. Буларнинг ҳаммаси эришилаётган натижаларда, хайрли ташаббусларда ўз ифодасини топаяпти.

ТАШАББУС МАСЪУЛИЯТИ



Рустам ҚУРБОНОВ,
қўйчилик бригадаси бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

●

Чўпон меҳнатининг машаққатини ҳамма ҳам тасаввур қила олмайди. Соҳа кишиларини том маънода заҳматкашлар дегим келади. Ёшлигим Деҳқонобод қирларида ўтди. Рўзномаларда яйлов гашти, чорвадорлар сулоласи ҳақида кўп илиқ гаплар ёзишади. Аммо умрини олис қирларда ўтказаётган маротатли кишиларнинг мушкулотлари, ечимини кутаётган муаммолар мақолаларда ҳар доим ҳам етарли қамраб олинмайди. Чўпон қишни беталофат ўтказиш учун кечаю-кундуз тиним билмайди. Баъзида бўронлар, ёғингарчиликлар исканжасида қолади. Болалигимдан бу касбнинг муқаддас ташвишлари қон-қонимга сингган. Мураббийлар олий билимгоҳга кириб ўқишни, мутахассислар жуда зарурлигини уқтиришди. Совхоз раҳбарлари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Беш йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Қоракўлчилик бўйича илмий изланишни давом эттириб, фан номзоди бўлдим. Йиллар мобайнида қоракўлчилигимиз шуҳратини тиклашга баҳоли қудрат ҳисса қўшдим.

Тақдир тақозоси билан Оҳангарон районига келиб қолдим. Бу ерларнинг тоғлари, яйловлари Деҳқонободникига ўхшаб кетади. Мазкур хўжалик раҳбарлари илиқ қарши олишди. Жийдабулоқ, Хайдарали, Муллатопил, Чоштепа яйловларини бирма-бир кездим. Одамлари, гиёҳлари қалбимга илиқлик олиб кирди. Ихлос билан иш бошладим. Турғунлик йиллари асорати ўз таъсирини кўрсатаётганди. Моллар бош сони камайган, озуқа базасига эътибор сусайиб кетган. Раҳбарга кўп нарса боғлиқ экан. Моҳир ташкилотчи Неъматжон Матиброҳимов совхоз директори этиб тайинланган чорвачиликка муносабат тубдан ўзгарди. Оғир участкалар эътиқодли, ташаббускор коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Директор билан ўзаро суҳбатда қўйчилик бригадасига муносиб номзод топилмаётганлигини сездим. Шунда қуйи бўғинда ишлаш истаги борлигини айтдим. Неъмат ака таъсирланиб кетди.

— Қўйчилик барчани ташвишлантираётган соҳа, — деди у. — Ўзинг ўйла, ўтган йилги режа бажарилди. Давлатга жун топширишчи ҳам ўринлатдик. Аммо тармоқдан бор йўғи 23 минг сўм фойда олинди. Омилкор, ташаббускор киши бу соҳага бошчилик қилиши керак. Фан ютуқларини амалиётга жорий эт, одамларни эъзозла. Камига биз турибмиз.

Масъулият билан ишга киришдим. Бахтга қарши қишловга яхши тайёргарлик кўрилмаган экан. Емиш барвақт тугади. Ўшанда ҳар бир кунни ўтказиш азобга айланди. Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Улар эл бойлигини сақлаб қолиш учун ўзларини аяшмади. Ҳар ҳолда қишдан амал-тақал қилиб чиқиб олдик. Кўкламда қўйларни парваришлашга алоҳида эътибор бердик. Ички имкониятлар тўла ишга солинди. Озғин совлиқлар махсус рацион асосида боқилди. Совхоз партия комитети оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни жонлантирди. Яйлов дарғаларининг маиший шароити яхшиланди. Кайфиятга, ҳамжиҳатликка кўп нарса боғлиқ экан. 7200 бош совлиқнинг ҳар юзидан 110 тадан соғлом қўзи олдик. Вилоятда биринчиларнинг бўлиб жон қирқими тугалланди. Хўжаликда бундай ютуққа илк бор эришилди.

Ҳозирги кунда қўйларни иложи борича яхши парвариш қилаяпмиз. Қўзилар этига-эт қўшмоқда. Қишловга тайёргарлик коммунистлар оталиғида. Ўрни келганда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман: умр бўйи сурув-сурув қўй боқиб, жамоа чорвачилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган табаррук кишилар жуда кўп. Номлари эл-юртга танилмаган. Рўзномачилар улар билан дилдан суҳбатлашиб, ажойиб фазилатлари, тажриба ва ташаббуслари, қоларверса орзу армонлари ҳақида мақолалар битишса зап иш бўларди. Инсонга эътибор унинг кўнглини кўтаради, унумли меҳнатга чорлайди.

Оҳангарон районидаги Куйбишев номли давлат хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг таклиф, илтимослари қондирилди. Совхозга сўз мулкининг султони, давлат арбоби Алишер Навоий номи берилди.

Ўзининг ажойиб чорвадорлари, ғаллакорлари билан оғизга тушган мазкур хўжаликда бундан тўрт йил аввал иш орқага кетди. Мутахассислар, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган бригада бошлиқлари хизмат бурчига масъулиятсизларча муносабатда бўлдилар. Оқибатда қорамоллар касалланиб, мажбурий гўштга топширилди. Қўй ва эчкиларнинг туёқ сони камайди. Совхоз қарзга ботди, кадрлар қўнимсизлиги юзага келди.

Оҳангарон район партия комитети вазиятга тўғри баҳо бериб, бу йирик хўжаликка моҳир ташкилотчи, одамлар билан ишлашда бой тажриба тўплаган Неъмат Матиброҳимовни директорликка тавсия этди.

Янги директор инсон омилига эътиборни кучайтирди, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қўллади. Қорамолчилик, қўйчилик билан бирга унутилган соҳалар — чўчқачилик, йилқичилик, сабзавотчилик, боғдорчиликни жадал ривожлантириш учун бор имконият ишга солинди. Бошланғич партия ташкилоти жанговарлиги, коммунистлар раҳнамолиги кучайди. Ҳар иш жойида соғлом, талабчанлик муҳити юзага келтирилмоқда. Пировард натижа учун барча ўзини масъул деб билаяпти. Чорвадорлар, деҳқонлар яхши ишлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган хайрли ташаббуслар билан майдонга чиқишаяпти. Барча тармоқ ривожланиш йўлидан бормоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида дастлабки қувончли натижалар қўлга киритилди. Совхоз қисқа вақт ичида деярли қарздан қутулди.

Ушбу саҳифада Алишер Навоий номли давлат хўжалиги чорвадорларининг фидойи меҳнати, тажриба ва ташаббуслари, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳикоя қилинади.

ЖИЙДАБУЛОҚ ТУЛПОРЛАРИ

Оқбой ЎРИНБОЕВ,
йилқибоқар

●

Бола-чақам билан отга ишқибозман. Бу жониворда хосият кўп. Бир вақтлар омилкор, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган раҳбарлар хўжалик ишларида ундан кенг фойдаланишган. Афсуски, турғунлик йилларида йилқичилик эсдан чиқарилди. Жаҳонга донғи кетган қорабайирларимиз камайиб кетди. Қайта қуриш кўзимизни очди. Аммо хатолар қимматга тушди. Ўрни келганда четдан зотли отлар сотиб олишга мажбур бўлдик.

Навбатдан ташқари чақирилган партия йиғилишида совхозда йилқичиликни қайта ривожлантириш ҳақида қизғин гап борди. Мен ҳам сўз олиб, дилимдагини тўкиб солдим. Ношуд раҳбар ва мутахассислар шаънига аччиқ гаплар айтилди. Мураббийлар ёрдамида йилқичиликни ривожлантиришга астойдил киришилди. Қисқа вақт ичида 394 бош зотли отлар сотиб олдик. Ҳар бирини меҳр билан парваришлаяпмиз. Англия, Ахалтикидан келтирилган қорабайирлар йил сайин кўпаймоқда. Шароитдан нолимайман. Меҳнатимизга яраша рағбатлантирилаяпмиз. Қувончлиси шуки, аҳолига ҳам талайгина от сотилди. Мутахассислар жаҳон бозорида чаққон ўтадиган қорабайирлар етиштиришга алоҳида эътибор беришаяпти. Бунинг учун йилқибоқардан кўп нарса талаб этилади. Соҳа эндигина ривожланаётган бўлса-да, дастлабки натижалар чаккимас. Ҳозирча отларни сотиб 410 минг сўм даромад қилинди. Бу хамир учидан патир.

Ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, зотли моллар учун омихта ем жуда зарур. Аммо қанчалик елиб-югурмайлик натижа бўлмаяпти. Шу кунгача 30 тонна широт олишга эришдик, холос. Бу муаммо ҳал бўлмаса йилқичиликни жадал ривожлантириб бўлмайди.

Хўжалигимиз ишчилари М. С. Горбачевнинг партия Марказий Комитети июль пленумида Дастур лойиҳаси тўғрисида қилган маърузасини қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Ўзим ҳужжатда аниқ амалий вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар лўнда акс этганлигига ишонч ҳосил қилдим. Партиянинг обрўси меҳнат кишисини ижтимоий ҳимоялаш масаласига бориб тақалмоқда. Нуфузли йиғилишларда кўпинча савол беришади: хўш, нима сабабдан Ўзбекистон Компартиясининг обрў эътибори қувонарли даражада баланд. Қийналмасдан жавоб бериш мумкин, ҳозирги раҳбарият, Президентимиз сўз ва иш бирлигига амал қилишмоқда. Бошқасини қўяверинг, қишлоқ меҳнаткашига томорқа учун ер ажратилганлигининг ўзи бебаҳо иш бўлди. Энди омилкор, меҳнатсевар киши учун бозор иқтисодиёти унча қўрқинчли эмас. Ўз ерида ноз-неъмат етиштириб, мол парваришлаб даромад қилиш мумкин. Демак ҳаётимизнинг қандай бўлиши, натижалар қўлами меҳнатимизга, тадбиркорлигимизга, тежамкорликка боғлиқ.

ПИРОВАРД НАТИЖАДАН БАРЧА МАНФААТДОР

Людмила КАНДРАТ,
чўчқабоқар

●

Ҳар бир инсон ҳаётда эзгу ниятлар билан яшайди. Мақсадига эришиш учун заҳмат чекиб меҳнат қилади. Ҳаётимдан хурсандман. Очиққўнгил, меҳнатсевар кишилар билан ёнма-ён тер тўкаётганлигим билан фахрланаман. Хаёлан ўтмишга назар ташласам, қанчалик жиддий хатоларга йўл қўйилганлигига ишонч ҳосил қиламан. Масалан, сердаромад соҳа, — чўчқачилик жуда кўп хўжаликларда тугатиб юборилди. Чинданам Ўзбекистонда қўй ва мол гўштига талаб катта. Бу зарбдор тармоқнинг бошқа соҳаларини ривожлантирмаса ҳам бўлаверади деган гап эмас. Тор доирада фикр юритаётган кишиларгина ана шундай йўл тутишади.

Совхозимиз раҳбарлари чўчқачиликка ҳам алоҳида эътибор беришаяпти, 1600 бош жониворни зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилаяпмиз. Ҳозирча эришилаётган натижалар билан мақтана олмайман. Аммо яқин вақт ичида мазкур соҳа ҳам мўмай даромад келтириши шубҳасиз. Фақат керакли озуқани вақтида ололмаяпмиз. Ҳамкасбларим В. Илёсова, А. Худисова ва бошқалар мусобақага қизғин тус беришаяпти. Жорий йилда қарийб 80 тонна чўчқа гўшти топшириш керак. Ваъданинг устидан чиқиш учун меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган омиллардан унумли фойдаланаяпмиз.

Фермада тарғибот-ташвиқот ишлари жонлантирилмоқда. Сидқидил тер тўкаётганлар рағбатлантириляпти. Ишимизда камчиликлар йўқ эмас. Олаётган маошимиз оз. Аммо тезда аҳвол ўнгланишига ишончим комил. Ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ.

ОҚ ЧАШМА

Назира СОИПОВА,
сигир соғувчи

●

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида Президентимиз И. А. Каримов ҳар хонадонда сигир бўлишининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталгандилар. Чиндан ҳам говмиш бор уйнинг файзи бор. Сут-қатиқ аримайди, касал нари юради. Хосиятли касбни эгаллаб кам бўлганим йўқ. Уй-жой, рўзғор ташвишлари асосан шунинг ҳисобидан. Қийин дамларда қўллаб-қувватлаган, сигир соғувчиликнинг сирларини қунт билан ўргатган устозларимдан миннатдорман.

Қишлоқ болалари меҳнат билан воя-га етишади. Ўрта мактабни битирганимда мазкур касб юзасидан маълум кўникма ҳосил қилган эдим. Аммо шароит оғир, моддий манфаатдорликнинг тайини бўлмаганлиги сабабли айрим чорвадорлар бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетишди. Таваккал қилдим. Аксига қиш оғир келди. Озуқа танқис бўлганлиги учун масъулиятли мавсумдан минг азоб билан чиқдик. Маҳсулдорлик кескин камайиб кетди.

Совхоз янги директори, партия, касаба уюшмаси қўмитаси қолоқликка барҳам бериш учун астойдил ҳаракат бошлашди. Эскича ишлаётган, лаёқатсиз ходимлар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Цех партия ташкилоти йиғилишида чорвачиликдаги аҳвол атрофлича муҳокама қилинди. Коммунистлар юқори партия, совет ташкилотлари олдига ҳам қатъий талаблар қўйдилар. Биласизми, кўпгина хўжаликларда моллар касалланиб, мажбурий гўштга топширилганда комиссия аъзоларининг хулосаси билан ҳаммаси ёпти-ёпти қилинади. Менимча хўжаликка, давлатга катта моддий ва маънавий зиён етказган раҳбарлар, мутахассислар, чорвадорлар фаолиятига муносиб баҳо берилиши керак.

Сабоқлардан хулоса чиқарилди. Ижро интизоми мустаҳкамланди. Ферма ходимларининг ўзлари озуқа етиштириш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишни қатъий назоратга олдилар. Машинада сут соғиш усталарининг тажрибаси кўпчилик мулкига айлантирилди. Маданий-маиший хизмат анча жонланди. Раҳбар ва мутахассислар ширин сўзлари билан одамлар кўнглини овлашди. Биз ўзимизга нисбатан ғамхўрликни ҳис қила бошладик. Бундай шароитда яхши ишламаслик уят. Қарамоғимдаги 18 бош сигирни меҳр билан парваришлашга киришдим. Ҳар бир жониворнинг атворини пухта ўргандим. Кўрсаткичларни махсус дафтарга қайд этиб бордим. Зооветеринария қоидаларига алоҳида эътибор бердик. Натижада ҳар сигирдан 10—11 килограммдан сут соғиб ола бошладик.

Ўзаро мусобақанинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчиман. Бу хусусда кўпгина фикр-мулоҳазалар мавжуд. Қаерда меҳнат беллашуви намунали ташкил этилган бўлса, ўша ерда қувончли натижаларга эришилиши турган гап. Аввалари бизда яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам деярли бир имтиёзга эга эди. Мусобақа барчани ҳушёр торттирди. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб улар ҳурмати учун Қизил байроқ кўтарилганда қолоқлар ноқулай аҳволда қолишди. «Чорвадор» деворий рўзномамизда жамоани орқага тортаётганлар изза қилинди. Буларнинг ҳаммаси барчамизни унумли меҳнатга чорлади. Ички имкониятлар ишга солинмоқда. 1991 йил биринчи ярим йиллиги қувончли якунланди. Режадаги 54 тонна ўрнига 92 тонна сут топширишга эришдик. Ҳали тармоқда камчиликлар, муаммолар талайгина. Коммунистлар бошчилигида тўсиқларни бартараф этиб, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўра унумлироқ меҳнат қилаяпмиз.

Оҳангарон яйловларида. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Саҳифани «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири Б. МУРОДОВ тайёрлади.

Расмларни М. ЖЎРАЕВ чизган.

БЕШОВЛОН ЙЎЛГА ЧИҚҚАНДА...

НАМАНГАНЛИК ДОНГДОР ҲАЙДОВЧИ ҚАРИМЖОН АБДУРАҲИМОВНИНГ ТЎРТ УҒЛИ ОТА ИЗИДАН БОРМОҚДА

Каримбой ака Абдураҳимовни ҳафтанинг шанба-якшанбасидагина уйидан топса бўлади. Шу кунлари оила даврасида бўлиб, маҳалланинг тўй-маъракаларида қатнашади. Қолган пайтларда уни учратишингиз маҳол, эрта саҳарлаб ишга кетиб, кеч кириб кўчаларда одам оёғи тортилганда уйга қайтади. У ҳайдовчи, бу касбнинг шунақа ўзига хос томонлари бор.

Мана, бир ҳафталик шижоатли меҳнатдан сўнг у оилада — ўғиллари, келинлари, набиралари даврасида нонушта қилиб ўтирибди. Жамулжам бўлганлар чеҳрасига зимдан, синчиклаб назар ташлайди. Барчанинг юз-кўзида ички хотиржамлик зоҳир, хафагарчиликдан асар йўқ. Фақат кенжатойи Абдуолим бесаранжом, айтар гапи бор шекилли.

Карим Абдураҳимов уч ўғлини соғлом-дурқун ўстириб, вояга етказди, уйжойли қилди. Уч оғайни ботирлар — Комилжон, Ёқубжон ва Неъматжон ота изидан бориб, ҳайдовчи бўлиб ишлашмоқда. Тўртинчиси, кенжа ботир — Абдуолим мактабни тугатаяпти. Тошкентга ўқишга кетаман деб қолса-я. Ота-она бир кун кенжасини кўрмаса туришолмайдию, 5 йил бағридан нарида яшаб, ўқиса қандоқ чидашар экан. Бу ўғилнинг ҳам ҳайдовчиликка ишқи тушиб қолсайди...

Дастурхонга фотиҳа тортилгач, ҳамма қўзғалиб ўз ишига ғуннаб кетди. Абдуолим дадаси ёнига келиб ийманиб гап бошлади:

— Муаллимимиз ҳар ким ўз отаси ҳақида уй иншоси ёзиб келсин, деб топшириқ берди. Менга бугун касбингиз, орден-медалларингиз ҳақида сўзлаб бермасангиз...

Карим ака хурсанд бўлиб, ич-ичидан қувонди. Шу иншо баҳона бўлиб, кенжатойининг юрагида бу касбга иштиёқ уйғотса, не ажаб.

«Онаси, зарур иш чиқиб қолди, бизларга халақит берилмасин», деб тайинлади-да Абдуолимни хонага бошлаб кирди. Мукофотлар сақланадиган чамадонни ўртага қўйиб, оҳиста гап бошлади.

— Ҳайдовчилик касби иродали, матонатли кишиларни ёқтиради. У ҳар куни, ҳар соатда кишини хавф-хатарлар билан юзма-юз қилиб, имтиҳондан ўтказади.

Бу касб одамдан бутун умрини, куч-ғайратини йўл юришга бахшида қилишни талаб этади. Ана шундай қийинчиликларга бардош берганларгагина бу касб туфайли бахт, омад кулиб боқади. 30 йилдан бери машинани авариясиз бошқариб келаётган дадангнинг хулосалари шундай...

— Мен-чи, ҳайдовчи бўлсам, ишлаб кета оламанми? — шошиб савол берди ўғил.

— Одам қилган ишни одам бажаради, бошқалардан кам еринг йўқ, балки мендан ҳам зўр ҳайдовчи бўларсан, фақат ҳозир фикримни бўлмай тур, адашиб кетаман, отанг гапга йўқроқ...

Карим ака хурсанд бўлганидан гапини йўқотиб, бир зум жим қолди, сўнг сўзида давом этди: «Намангантранс» бирлашмасига қарашли 22-автокорхонамизда 300 нафардан ортиқ ишчи баҳслашиб-беллашиб ишлайди. Ҳар бир ҳайдовчи остидаги «пўлат» тулпоридан унумли фойдаланиб, салмоқли натижаларга эришиш учун бор куч-билимини ишга солиб, фидокорлик кўрсатади. Ой ва квартал охирида ким қандай иш бажаргани, қанча ёнилғи, эҳтиёт қисмларни тежаб қолгани бир-бир сарҳисоб қилинади ва мусобақа шартлари бўйича ғолиблар аниқланади. Ана шу ўзига хос меҳнат пойгасида даданг ҳамиша совриндор бўлиб келган. Мусобақа ғолиби бўлиш учун киши тадбиркор бўлиши, иш кўзини билиб ҳаракат қилиши жуда муҳим. Хабаринг бор, ЗИЛ-555 маркали автомобилни бошқараман. Бригадамизда менга ўхшаган 20 нафардан ортиқ азамат бор. Нафақат бригада, балки автокорхонада бирлашмада биринчи бўлиб автомашинамнинг юк кўтариш қувватини 5,8 тоннадан 12 тоннага чиқардим. Бунинг учун битта тиркама прицеп топиб, машинамга тақиб олдим. Орадан бир-икки йил ўтгач, тиркама улаб юк ташиш бутун бирлашмада кенг расм бўлди. Мен кейинчалик иккита тиркама билан рейсга чиқадиган бўлдим. Ҳар сафар 15 тоннадан ортиқ юк элтардим. Бу кўрсаткич ҳам кўп ўтмай оддий иш маромига айланиб қолди. Иккитадан тиркама тақиб ишлаш бутун вилоятга ёйилди.

Автомобилни авайлаб-асраб ҳайдашим, моторни зўриқтирмай ишлатганларим қўл келди. Учта тиркама тақиб, рейсга чиқдим. Машинам учаласини ҳам тўла юки билан бемалол тортиб кетди. Машинамнинг юк кўтариш даражаси 21 тоннага етди. Бу уч автомобиль ҳайдовчиси бажарадиган иш ҳажмига тенг...

Автотранспорт байроқдорлари

Қорабоғ ва Жийдали сув омборлари қурилишига уч тиркама билан қум-шағал ташимоқчи бўлгандим. Карьерда майдон тор, яхши айланиб бўлмасди. Участка бошлиғи «Ўзингни ҳам, мени ҳам қийнамай, тиркамасиз ишлайвер», деди. Бир ой у билан тортишиб, охири кўндирдим. У бульдозер келтириб, майдонни кенгайтирди. Йўлни ҳам созлатдим. Беш ой ичида мен йиллик юк ташиш планини бажариб қўйдим.

Тиркама тақиб ишлашнинг ташвишлари кўп. Баллони бўшаб кетиши ёки бошқа воқеа юз бериши мумкин. Хуллас ҳайдовчининг юмуши икки-уч ҳисса кўпаяди. Ана шу қўшимча меҳнатларим мен ташиган юклар ҳажмини икки ҳиссадан кўпроқ оширди. Шу аснода йиллик юк ташиш топшириқларини ярим муддат ичида бажаришга муваффақ бўлдим...

Эй, ўғлим, булар айтишга осон. Сенга мароқли туюлган бу силлиқ ҳикоялар замирида даданг нинг қанчадан-қанча саботи, жаҳду-жадал меҳнати ётганини тасаввур қила олармикансан...

Яхши эсимда, Қозоғистонда ғалла ташир эдик. Оғир юкли автомобилни тиркамаси билан бир маромда елдириб борардим. Кўз текканде к, орқа ғилдирак баллони бўшаб кетса бўладими. Иккита ғилдирак баллонини шаҳд қилиб 35 минут ичида алмаштирдим. Бошқалардан икки ҳисса кўпроқ ғалла ташиб, у ердан ҳам совриндор бўлиб қайтдим. 9, 10, 11, 12-беш йилликларда юк ташиш план-топшириқларини ошиғи билан бажариб, тўрт марта Бутуниттифоқ мусобақаси совриндори бўлдим. Корхонамизда, умуман мамлакатимизда бир яхши одат бор. Меҳнат қилган эътибордан четда қолиб кетмайди. Қилган ҳаракатларимнинг бир зарраси ҳам зое кетгани йўқ. Яхшигина маош олиб, сизларга едирдим, кийинтирдим, тарбиялаб вояга етказдим. Меҳнатларим орден ва медаллар билан тақдирланди. I, II, III даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотландим. «Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган фахрий унвонга сазовор бўлдим. КПСС XXVII съездида делегат сифатида қатнашдим. Бир инсон меҳнатини эътироф этиш шунчалар бўлади-да. Гоҳо ўйлаб қоламан, корхонанинг менга ҳақи кетмадимикан? Кўрсатилган ҳурмат-эътиборни оқлашим учун яна кўп йиллар сидқидил ишлашим керак...

Карим ака бир пас жимиб, ўғли ёзиб бўлишини кутди, Абдуолим унинг гапларини шошмай, чиройли қилиб қоғозга туширарди.

— Яна бир нарсани айтишни унутибман, — деди у ёзишдан бошини кўтарган ўғлига боқиб. — Мен ҳеч маҳал шуҳрат кетидан қувмадим. Ўз ишимни билиб-билиб бажаришни истайман. Акаларингга ҳам бу ҳақда қайта-қайта тайинлайман. Сенга ҳам насиҳатим шу, ҳамиша виждонан ишла, вазифани ҳалол ва қойил қилиб бажаргин. Шундай қилсанг, эртами-кечми обрў ва шуҳрат ўзи сени излаб топади...

Абдуолимнинг кафтлари терлаб, силлиқ ручкани аранг ушлаб ёзарди. Кўз ўнгида дадасининг улуғвор қиёфаси намоён бўлиб, салобати босганди уни. Қаршисида паҳлавон ҳайдовчи турарди.

— Дада, иншо охирида отам, акаларим сингари мен ҳам, албатта ҳайдовчи бўламан, деб ёзиб қўймоқчиман, майлими?

Карим ака ўғлини қучиб, «Балли, ота ўғил» дегиси келди. Лекин ўзини тийди. Касб танлаш ўғлининг ҳақ-ҳуқуқи, буни тазйиқсиз мустақил ҳал қилиши керак. Лекин савол аломати билан боқиб турган кенжатойини ортиқча куттирмади.

— Балли, ота ўғил, — Абдуолимнинг елкасига қўлини ташлади ота. — Шундай қилсанг жуда ажойиб бўлади-да. Тасаввур эт, бир онлада беш киши шофёр. Оилавий пудратчи шофёрлар экипажини тузиб, шундай ишларни амалга оширайликки, ҳамма қойил қолсин.

Ота билан кенжатой ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатдан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Абдуолим сўзининг устидан чиқиб, ҳайдовчилик касбини эгаллади. Ота ва ўғиллардан иборат беш азамат Абдураҳимовлар экипажи Намангандаги 22-автокорхонада фидокорона меҳнат қилмоқда. Оилавий экипаж бошлиғи — донгдор ҳайдовчи Каримбой Абдураҳимов 75 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини манзилларга етказиб, йиллик топшириқни 210 фоизга бажарди. Бугун у 1992 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилаяпти. Автокорхона бошлиғи Ориф Ғозибоевнинг маълум қилишича, у ташиган жами юклар 75 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Ўғиллари Комилжон, Ёқубжон, Неъматжон ва Абдуолим тадбиркор ҳайдовчи, падари бузрукворлари изидан бориб, бу соҳанинг сир-асрорларини қунт билан ўзлаштиришмоқда. От ўрнини той босади, дейдилар. Ота насиҳатини олган ўғилларнинг йўли бехатар ва нурли бўлишига ишончимиз комил.

Б. ҚАҲҲОРОВ,
У. МУҲАМЕДОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими, «Меҳнат шуҳрати» ордени нинг учала даражаси нишондори, моҳир ҳайдовчи Каримжон ака Абдураҳимов (ўртада) ўғиллари — Комилжон, Ёқубжон, Неъматжон ва Абдуолимларга йўлга чиқиш олдидан маслаҳатлар бермоқда. 2. Донгдор ҳайдовчи учта тиркамали ана шу машинани бошқариб, кўпчилликка намуна бўлаяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ПАРТКОМ ҚОЛАДИ

МИНСК. Минск автомобиль заводи меҳнат жамоаси конференцияси партия комитети билан комсомол комитетини корхона ҳудудидан чиқариб юбориш тўғрисидаги таклифини рад этди. Делегатлар орасида коммунистлар жами ходимларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этарди холос. Шунга қарамай ишчилар уларни қўллаб-қувватлашарди. МАЗ партия комитети котиби ўринбосари И. Гессининг фикрича, бу қарор кўп жиҳатдан партия комитети ўз иш услуби ва усулларини ўзгартиргانлигининг натижасидир. Комитет ишлаб чиқаришнинг иккир-чиккирларига аралашишдан бутунлай воз кечди. Тадбирлар эса иш вақтида одамларни ишдан чалғитмай, бошқа вақтда ўтказилмоқда. Мавш олувчи партия ходимлари корхона ишлаб чиқариш фаолияти якуларига кўра бериладиган мукофотларни олишдан воз кечдилар. Энг муҳими эса завод партия комитети бозор иқтисодиётига ўтишдаёқ қийин даврда ишчиларнинг манфаатини фаол ҳимоя қилмоқда. Яна бир улкан саноат корхонаси — Минск трактор заводи меҳнат жамоасининг конференцияси ҳам шундай қарор қабул қилди.

ПУЛ МАНБАИ

МОСКВА. Йилнинг биринчи ярмида «Москва аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси» ҳисоб варақасига салкам 129 миллион сўм пул ўтди. Бу — тамаки маҳсулотлари айрим турлари нархига устама қўйишдан олинган 104,5 миллион сўм, бир вақт Москва шаҳар совети раиси бўлиб турган Г. Поповга Японияда совға қилинган автомобиллар ва рўзғор техникасини кимошди савдосида сотишдан тушган 16 миллион сўм, шаҳар ресторанларида тансиқ таомларни, арақ-вино ва бошқа маҳсулотларни сотишдан олинган даромад — 8 миллион сўм, ниҳоят ташкилотлар, кооперативлар ва фуқаролар ўз ихтиёрлари билан ўтказган 0,6 миллион сўмдан иборат. Ўтган йилнинг ноябридан бошлаб ҳисоб варақасига тушган ана шу маблағдан 200 мингдан ортиқ кам таъминланган фуқароларга 27 миллион сўм тўланди.

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР НАҚД

БАШТАНКА. (Николаев вилояти). Баштанка райони механизаторлари долзарб ўрим-йиғим даврида техникани созлашлари учун бир неча соат кифоя қилмоқда. Энг тақчил эҳтиёт қисмлар ҳам хўжаликка талаб қилишган заҳоти етказиб берилмоқда. «Агропромтехника» район бирлашмаси районда 42 та хўжаликнинг ҳаммасида ўрим-йиғимда техникавий хизмат қилиш ташвишларини ўз зиммасига олди, бунинг учун ўрим-йиғимда техниканинг узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан хўжаликлар билан шартнома тузилди.

ҲАМЖИҲАТЛИК

ҚУСТАНАЙ. Маҳаллий мусулмонлар жамоасининг Косьмо-Демиановск черковини таъмирлашда баҳоли қудрат ёрдам бериш тўғрисидаги қарори Қустанай вилоятининг Боровское қишлоғида яшовчи Проваслав қавмлар учун кутилмаган воқеа бўлди. Бу ерда динга ишонувчилар бир-бирига қарама-қаршн турмаслиги ҳам кўп жиҳатдан республикада яшовчи халқларнинг яхши қўшничилик муносабатларига сабаб бўлмоқда.

ОЛТИН ҚИДИРУВЧИ МИКРОБЛАР

КИЕВ. Қашшоқ рудалар таркибидаги олтинни ажратиб олишда ҳеч бир технологияни қўллаб бўлмас эди. Бу ишни украинлик олимлар микробларга... топширишди. Украина ССР ФА табиий дисперсион системалар бўлимининг олимлари микробларнинг қимматбаҳо металл заррачаларини ўз таналарида тўплай олишини аниқлаб, дунёда биринчи бўлиб бу микроорганизмлардан амалда фойдаланиш йўлини топишди. Киевлик олимлар яратган бу усул олтин бойитиш корхоналарида хавфли цианли бирикмалардан фойдаланишдан воз кечишга имконият яратди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири Сергей Суров). Ҳиндистон бўйдан буён Озарбайжон, Ўзбекистон ва Тожикистон билан янада чамбарчас маданий алоқалар ўрнатишга интилмоқда. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, мамлакат парламентининг Жамму ва Кашмир штатидаги энг катта партия — миллий конференциядан сайланган аъзоси Сайфуддин Соз шундай деди:

Ёзувчилар уюшмасининг таклифига биноан шу жумҳуриятларга келиб-кетган Ҳиндистон парламентининг аъзоси юртига қайтиб боргач, менинг штатим кишилари билан Озарбайжон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида умумийлик кўп, деб таъкидлади. У тожик шаҳри Кўлоб раҳбариятининг Сринагар билан қардошлик муносабатлари ўрнатиб, зиёратчилар, саёҳатчилар ва ишбилармонларни бир-бирларига юбориб туришларини кенгайтириш ва яхшироқ уюштириш тўғрисидаги таклифини маъқуллаб гапирди. Сайфуддин Соз Кўлоб Жамму ва Кашмир маданияти ҳамда адабиётида ноёб ўрин тутишини уқтириб ўтди. Чунки XIV асрдаёқ буюк тожик олими Сайёд али Ҳамадоний Ҳиндистоннинг шу жойига икки марта борган ва бу ерда унутилмас тарихий из қолдирган. Ҳамадонийнинг мақбараси Кўлобда жойлашган.

Совет Иттифоқидаги қайта қуриш, деди Соз, — Ўрта Осиё жумҳуриятлари турмушига катта ўзгартишлар киритди, у ерда демократияни ривожлантириш билан айни бир пайтда ислом урф-одатлари ва қадриятлари тикланмоқда. Мусулмонлар учун табаррук бўлган ёдгорликлар ва санъат асори-атиқаларини таъмирлашга катта пул ажратилмоқда. Араб ва форс тилларидаги қадимий нодир қўлёзмалар, жумладан буюк мутафаккирлар Низомий ва Алишер Навоийнинг асарлари йиғилмоқда. Маҳаллий мусулмон пешволарининг қарорларига биноан яна кўпгина мачитлар очилди.

Парламент аъзосининг уқтириб айтишича, унинг ташрифи вақтида Ҳиндистон билан Озарбайжон, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликнинг келишиб олинган режаларида бир-бирларига муаллимлар, талабалар, ёзувчилар ва рассомларни, шунингдек дин арбобларини юборишни кенгайтириш кўзда тутилган. Бундай бевосита алоқаларни кенгайтириш иккала мамлакатнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди у.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ АРМИЯСИНИНГ НОМИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС мухбири Дугар Санжиев). Эндиликда Монголия Халқ армияси Монголия Халқ қўшинлари деб аталади, деб ёзади бугун «Тусгар тогтнол» армия рўзномаси. МХЖ Президенти тасдиқлаган ҳарбий низомда шундай кўрсатилган, деб хабар қилади муштарийларга мамлакат қуролли кучлар Бош штаби бошлиғининг ўринбосари генерал-майор Ц. Галсан. У, шунингдек бу йил қуролли кучлар қайта ташкил этилиши, жумладан айрим қисмларнинг шартномавий асосга ўтказилиши муносабати билан Монголия Халқ қўшинларига хизматга чақириш бекор қилинганини ҳам айтди.

Генералнинг гапларига қараганда, ҳозир солдат ва офицерларнинг маҳорат тайёргарлиги даражасини ошириш, уларнинг умумий сонини қисқартириш мақсадида ҳақиқий хизмат муддатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмоқда.

БЕРЛИН. Германия Федератив Республикаси маъдончилар касаба уюшмаси Шарқий Германия металлургия саноати корхоналарида ишчи ўринларини тенг ярмига қисқартирилиши кўзда тутилаётганлигига қарши норозилик билдирди. Шунга бағишлаб ўтказилган митингда 35 минг ишчи ва хизматчи қатнашди.

СУРАТДА: норозилик намойиши иштирокчиларидан бир гуруҳ.

В. ОГОРОДНИКОВА олган сурат. (ТАСС).

СЎНГГИ СОАТДА

БЕЛГРАД. (ТАСС мухбири Анатолий Бочаров). Дунай бўйидаги Хорватиянинг бир қанча жойларида яна вазият жуда кескинлашди. ТАНЮГ агентлигининг хабар қилишича, Хорватия ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари билан Даль, Альмаш, Эрдут, Сарваш, Белибрд манзилгоҳларидаги қуролли серблар ўртасида отишма бўлиб ўтди. У ердан узуқ-юлуқ хабарлар олинмоқда, шу хабарларга қараганда, бу жойларда чинакам уруш ҳаракатлари авж олиб кетган, шу пайтгача кўп киши ҳалок бўлган.

Осиек шаҳрига ҳарбий тўқнашувлар бўлаётган жойлардан доимий қочоқлар келиб туришибди. Хабар қилинишича, Хорватия ички ишлар вазирлиги жанглар бўлаётган жойларга қўшимча бўлинмалар, қурол-яроғ ва ўқ дори юборган. Аҳолига мурожаат этилиб, Хорватия полициячиларини қўллаб-қувватлашга чақирмоқдалар.

Югославия халқ армияси маҳаллий гарнизони қўмондонлигининг хабар қилишича, армия бўлинмалари кечқурунга боргандагина мухолиф томонлар ўртасига тўсиқ қўйиб, вазиятни нормаллаштиришга эришганлар, бироқ айрим жойларда аввалгидек, отишмалар давом этмоқда. Армия алоқа йўлларини тиклаш, ярадорларни олиб кетиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда.

* * *

БМТ. (ТАСС мухбири Михаил Кочетков). БМТ Бош ассамблеяси 45-сессияси биринчи комитетининг (сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари, шу жумладан қуролсизланиш) раиси Жайя Пратап Рана (Непал) Москвада стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги шартнома имзоланганини табриклаб гапирди.

«Иккита энг катта ядровий давлатнинг тобора яқинлашуви шарофати билан эришилган бу муҳим битим ёпасига ва тўла-тўкис қуролсизланишга, хавфсизроқ дунёга эришиш йўлидаги халқаро куч-ғайратларга тарихий ҳисса бўлиб қўшилади. Иккита энг йирик ядродор давлат илк бор ўзларининг стратегик ҳужум аслаҳаҳоналарини амалий равишда қисқартириш ҳақида шартнома тузганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Воқеаларнинг мана шундай қувончли ривожланиши давом этиб, ядровий қуролсизланиш соҳасидаги ғайратҳаракатларда янада каттароқ тараққиётга олиб боришидан умидворман», — деб таъкидланади биринчи комитет раисининг баёнотида.

* * *

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Алексей Бережков). АҚШ молия вазирлиги ўн икки ажнабий компанияни «Ливиянинг жосуслари» деб атади ва шу баҳона билан уларнинг Америка фирмалари билан алоқа қилишини тақиқлади.

Кейинги вақтларда Ливиянинг Ғарбий Европадаги иқтисодий экспанцияси Ливия раҳбариятининг «терроризм фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва пул билан таъминлаш соҳасидаги» имкониятларини кенгайтирмоқда, деди молия вазирлиги ажнабий авуарларни назорат қилиш бошқармасининг директори Ричард Ньюком. Ана шундай шароитда АҚШ бундай компаниялар билан одатдагидек иш юрита олмайди, деди у.

Мазкур фирмалар билан савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш тақиқланишини бузганларга, Америка қонунларига мувофиқ, 5 минг долларгача жарима солиниши ва улар 12 йил муддатга қамаб қўйилиши мумкин.

* * *

ҚОҲИРА. Иордан дарёсининг Исроил босиб олган Ғарбий соҳилидаги Ал-Халил шаҳрида икки фаластинлик Исроилдан бу ерга кўчиб келган кишига ҳужум қилиб, унинг бир неча жойига пичоқ санчди. «Алвафд» газетасининг ёзишича, жабрдийда оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Исроил босқинчи маъмурлари шу воқеа юз берган районда комендантлик соати эълон қилиб, ҳужум қилган кишиларни излаб, оммавий тинтув ўтказдилар, шубҳа қилинган ўнлаб одамларни қамоққа олдилар.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Наблус, Ал-Халил ва Рамаллах шаҳарларида, шунингдек қочоқларнинг Ғазо минтақасидаги Хон Юнус Нусейрат ва Бурайж лагерларида фаластинликларнинг Исроил ҳарбийлари билан қаттиқ тўқнашувлари юз берди. Бу тўқнашувларда араблардан 18 киши жароҳат олди. «Алаҳром» газетасининг хабар қилишича, исроилликлар Ғазо минтақасидаги Ал-ансорий қароргоҳида яшовчи 2340 фаластинликлар оиласини уйларидан кўчириб юбора бошлаганлар, Бу тадбирнинг сабаблари айтилмаган.

* * *

ИСЛОМОБОД. Бу ерда Покистон, Эрон делегациялари ва Афғон мухолифлари вакилларининг икки кунлик учрашуви қўшма декларация қабул қилиш билан тугади, учрашувда Афғонистондаги аҳволни барқарорлаштириш йўллари муҳокама қилинди.

Ҳужжатда, жумладан, Афғон муаммосини ҳар қандай йўл билан ҳал этиш Қобулдаги ҳозирги ҳукуматнинг алмаштирилишига ва халқ сайлаган Ислом раҳбарияти ҳокимиятга келишига олиб бориши лозимлиги таъкидланади. Декларацияда Афғон масаласини ҳал қилиш юзасидан сарфлаётган куч-ғайратлари учун БМТ Бош котибига миннатдорчилик изҳор этилади ва у таклиф этган режа Афғон муаммосини ҳал қилишнинг асоси бўлиши мумкинлиги айтилади. Шу билан бир вақтда мухолифларнинг «ўтиш даври ҳукумати» бошлиғи Сабғатулла Мужоҳидий журналистлар билан учрашувда мужоҳиддинлар муаммони тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга уриниш билан бир пайтда Нажибулло режимига қарши уруш ҳаракатларини давом эттиришларини айтди.

(ТАСС).

Шарқнинг буюк мутафаккирлари

Яқин ва Ўрта Шарқда VII-XVI асрларда беқиёс маънавий бойлик яратилди. Мусулмон маданияти деб машҳур бўлган ушбу бебаҳо ҳазина асосан араб, форс ва туркий тилларда дунёга келди, аммо унинг ривожига минтақанинг барча халқлари ҳам ўз улушларини қўшдилар.

Ушбу маданий-маънавий камолотнинг мустақил ва тамомила янги бадиий идрок йўналишига асос солган забардаст мутафаккир шоир, қардош озарбайжон юртининг фарзанди Низомий тахаллусли Илёс ибн Юсуф эди. У Кавказ орти ўлкасининг қадим шаҳарларидан бўлмиш Ганжада ўзига тўқ ҳунарманд оиласида 1141 йилда таваллуд топди. Бу даврга келиб ҳозирги Озарбайжон ўлкасида форс тилида ижод этувчи алоҳида адабий мактаб шаклланган, унинг Қатрон Табризий, Афзалиддин Ҳоқоний, Мужируддин Бойлақоний каби намояндалари шеърият оламида шуҳрат қозонган эдилар.

Бўлажак шоир форс ва араб тилларини чуқур ўзлаштирди. У яҳудий, паҳлавий ва (христиан Византиясида маълум бўлган) юнон тилларини ҳам озми-кўпми ўрганди. Илоҳиёт, фиқҳ, ахлоқ фанлари, шарқ ва ғарб фалсафаси, илми нужум, тарих ва ўлкашунослик, кимё ва тиббиёт каби махсус илм соҳалари унга бегона бўлмаган. Даврининг қомусий билимдонларидан бўлгани учун ҳам Низомий номига доим ҳаким, яъни донишманд сифати қўшиб айтилган. Лекин у олим бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймади. «Улуғ шайх» деб ҳурматланишига қарамай, муайян тасаввуф сулукини ҳам ихтиёр этмади. У том маънода мутафаккир шоир бўлди. Фалсафаси ҳам шеърияти, бадиий тимсоллари, бадиий тафаккури замирида шакилланди.

Низомий сарой шоири бўлмай ўз мустақиллиги ва озодлигини сақлаб қолди. Унинг ғазал ва қасидалари, рубоий ва қитъалари турли манбалар орқали бизгача етиб келган, бироқ ўз қўли билан тартиб берган девони ҳанузгача фанга маълум эмас.

Низомий адабиёт оламида биринчи «Хамса» ёзган забардаст шоир сифатида донг таратган. Аммо айтиб ўтмоқ жоизки, буюк озарбайжон шоири ўзи ҳеч қаерда «Хамса» ёздим, деб даъво қилган эмас ва балки бундай муайян мақсадни олдига қўйгани ҳам номаълум. У аслида 6 та достон ёзган. Биринчи достони «Маҳзанул-асрор» («Сирлар ҳазинаси») 1177 йилда, иккинчиси — «Хусрав ва Ширин» — 1181 йил охирларида, «Лайли ва Мажнун» — 1188 йилда, «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») — 1197 йил ўрталарида, бешинчи достон — «Шарафнома» — 1197—1200 йиллар орасида ва «Иқболнома» номи билан машҳур бўлган олтинчи достон шоир умрининг охирларида, 1202—1203 йилларда ёзиб тугалланди. Охирги икки достон бир қаҳрамон — машҳур Александр Македонскийнинг Шарқдаги бадиий тимсоли Искандар Зулқарнайн тасвирига бағишланган. Шу сабабли кейинчалик икки достонни қўшиб «Искандарнома» деб ном берганлар ва «Панж ганж» («Беш хазина») ҳосил бўлган.

Ислом анъанасида бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз «Хамса» («аниқроғи «Ал-хамсату») дейилади, мусулмон динининг беш устуни — тавҳид (Оллоҳнинг ягоналигини тан олиш), намоз, рўза, закот ва ҳаж ҳам ўзига хос «Хамса» (бешлик)ни ташкил қилади. Демак, Низомий умр бўйи яратган достонларидан «Хамса» туркумини ҳосил қилиши ва кейинчалик бу ҳайрли иш адабий анъана сифатида Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий сингари жаҳоншумул мутафаккир шоирлар томонидан изчил ривожлантирилиши бежиз ва тасодифий бўлган эмас.

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, «Хамса»нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда «Хамса»ни буюк бир тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади. Бу оромгоҳларни яратиш учун шоир «Билик тахти узра чиқиб ўлтурмаги», «Ҳаёл элчисини ҳар тараф чоптириши», «жон мулкидан», «маоний сипоҳини» (маънолар лашкарини) гуруҳ-гуруҳ («фавж-фавж») етказиб бериб туриши, маъно лашкарлари жам бўлгач, Хусрав Деҳлавий лутф этганидек, инсонлар дилини забт этишга киришмоғи, яъни маънавият оламида жаҳонгирлик санъатини намойиш қилмоғи лозим эди. Демак, «Хамса» маълум мақсадга — инсоннинг руҳий (шуурий ва ҳиссий) тарбияси, маънавий камолот поғоналаридан бирма-бир кўтарилиши учун мадад бериш, унга асл инсонийлик йўлини ҳидоят этишга мўлжалланган асарлар мажмуаси эди.

Низомийнинг биринчи достони ички қурилиш ва мазмун йўналишига кўра тасаввуф руҳидаги пандномаларга жуда ўхшаб кетади. Шоир илк асарини Саноий Ғазнавийнинг 1131 йилда ёзиб тугаллаган машҳур қомусий маснавийси «Ҳадиқат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар гулшани») таъсирида бошлаган бўлиши ҳам эҳтимол. Аммо ўн бир минг байтли «Ҳадиқа»да ўн фасл бўлса, «Маҳзанул-асрор»да кириш бобларидан ташқари 20 та алоҳида «мақолат» мавжуд. Ҳар бир мақолат тимсолий ҳикоят билан тугалланган. Бу ҳикоятларнинг кўпи воқеий ҳаёт лавҳалари бўлиб, уларда замон руҳи жуда аниқ акс этган.

Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб Жаброилдан «Бу қандай макон?» деб сўрабди. Жавоб бўлибдики: «Эй, расулиллоҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур». Достоннинг биринчи байти шу ривоятга ишорадир:

Бисмиллоҳир-раҳмонир-роҳим
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким.

(«Шафқатли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан» ояти донишманд ганжинаси эшигига калитдир).

Асар номи ҳам «Сирлар хазинаси», яъни, олий ҳақиқат сирларини қаърига яширган тилсим маъносидадир. У тавҳид (Олий борлиқ ягоналиги мадҳи), икки муножот, наът (пайғамбар мадҳи), меърож васфи, давр ҳукмрони шаънига мадҳия-мурожаат каби муқаддима боблар билан бошланиб, сўнг шоирнинг бир фарахбахш тунда кўнгил билан хилватдаги рамзий суҳбатлари тасвир этилади.

Шоир бу асарни ёзишдан мақсади «кўнгил қиссаси»ни баён қилиш эканини алоҳида таъкидлайди. Инсон руҳият оламига кириб бориши учун кўнгилни йўлбошловчи қилиб олиши лозим. Чунки шоир тасаввурига кўра, инсоннинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи ички аъзолари — етти халифа: ўпка, юрак, жигар, талоқ, ўт, меъда, буйрак бўлиб, улар устидан ҳукмрон кўнгил. У бир шамъ бўлса, қолганлари атрофида парвона, барчаси ўз иши билан, кўнгил эса уларни бирлаштирувчи марказни ташкил этади. Рамзий бир қолатда шоир кўнгилнинг меҳмони, кўнгил унга айтадики: «мен сенинг ичингда ҳам эмасман, аммо сендан ташқарида ҳам эмас. Мен бир хазинаман, аммо Қорун каби хасиснинг чўнтагидаги хазина ҳам эмас». Шоир кўнгилни Хожа) инсон табиатининг тарбиячиси деб атайди:

Хуллас, Хожа (яъни, кўнгил) бизнинг
ихтиёримизда,
Аммо у худо бўлмаса ҳам бизнинг
соҳибимиздир.
У мен — тарбия кўрмаганга
бўйсунган ҳолда,
Мени тарбия қилиб ўз йўлига
юргиза олди.

Низомийнинг кўнгил (дил) моҳияти ҳақидаги шоирона ақидаси ниҳоятда теран мазмунга эга. Кўнгил бу ақл ҳам эмас, чунки у олий туйғулар манбаи. Инсон кўнгли уни олий ҳақиқат билан боғлаб турувчи тилсимдир, олий ҳақиқат сирларини ўзида жилвалантирувчи кўзгудир, фақат унга сайқал беришда эринмаслик, сўнг занг ва чирк босишига йўл қўймаслик лозим. Кўнгил инсон вужудидан, моддийликдан ташқарида эмас, аммо моддийлик ва танҳо вужуд билан чекланган ҳам эмас. У инсонни инсонликда тутиб турувчи, алоҳида бир вужудни олий маънавият билан туташликда асровчи моҳиятдир. Шунинг учун шоир кўнгилни ўзига етакчи қилиб олади. Кўнгил мулкига эга бўлганлиги учун инсон шоирнинг тилидан энг олий таърифларга сазовор бўлади:

Он ба гуҳар ҳамқадару ҳамсафий,
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафий.

Яъни, у моҳиятга тенгдир ва моҳият билан бир сафдадир, у ҳам тилларнинг софлигини аниқловчи маҳак тошидир, ҳам тилларнинг ўзидир, ҳам тиллани баҳолай олувчи саррофдир.

Шоир Одаматонинг яратилиши ҳақида гапирар экан, умуман бани одам моҳияти ҳақида мулоҳаза юритади. Низомий шоҳга мурожаат қилар экан, аввало уни табиатдаги жами жонзотлар ҳукмдори — Инсон деб англайди ва масалага шу нуқтаи назардан ёндошади. Шоирнинг шоҳга насиҳатлари ҳам ўзига, ҳам барча инсонларга қаратилгандир.

Агар «Маҳзанул-асрор» панднома ва фалсафий мулоҳазалар руҳида ёзилган бўлса «Хусрав ва Ширин» соф воқеабанд достон. Унинг бош қаҳрамони шаҳзода Хусрав ҳам ҳар бир оддий инсон сингари фазилат ва айбу қусурлардан фориғ эмас. Ширин ишқи унинг табиатини камолот йўлига етакловчи, инсонлик моҳиятини қадам-бақадам синовдан ўтказувчи маҳак тоши вазифасини ўтайди. Низомий яратган тимсоллар зоҳирда шоҳ ва малика, ботинда, моҳиятда инсонлик йўлининг бошланишида бир-бирига меҳри тушиб, сўнг шу табаррук оловда бирга тобланиб, камолот пиллапоясидан бирма-бир кўтарилиб борган йигит ва қиз тасвиридир. Бунда шоир Ширинниннг Ҳусравдан баркамол ва покроқ эканини таъкидлайди, сабаби малика қиёфасида ўзининг суюкли ва эрта ҳаётдан кўз юмган жуфти ҳалоли — қипчоқ қизи Оппоқ (Офоқ)ни кўрар эди, Оппоқ вафот этиб, ўзи ҳаёт қолгани учун ичидан ўртанар эди.

Низомий тасвир этган шоҳ Хусрав камолот йўлида нособит, аммо тошкесар Фарҳод ишқ фидойиси тимсолидир.

Учинчи достон «Лайли ва Мажнун»да ишқ туфайли олий ҳақиқат сирларига ошно бўлган ошиқ-шоир тимсоли бор бўйи билан намоён бўлди. Мажнуннинг Лайлига ишқида оддий йигит-қиз орасидаги муносабат тасвири эмас, балки ушбу афсона тимсолида руҳий дунёга оид кўп сир-синоат яширингандир.

«Ҳафт пайкар» достонинг воқеалар йўналишида ички ҳикоя-қиссаларида инсоннинг ҳақиқат ва рўёлар қоришиб кетган бу мураккаб воқеликдаги тентираш ва адашувларига оид мажозий тасвирлар акс этгандир. Орзу-ҳаваслар ортиқча берилиш инсон зотини хароб қилади, туби йўқ чоҳга бошлайди — асар мазмуни ушбу аччиқ огоҳлантириш асосига қурилган.

Бешинчи достонда Искандар Зулқарнайннинг жаҳонгирлик юришлари орқали шоҳлар хатти-ҳаракати адолат мезонидан ташқари бўлмаслиги таъкид этилса, олтинчи достонда «бахт нима, иқбол нима?» — деган жиддий фалсафий саволга жавоб қидирилади. Искандар жангномаларининг хулосаси шундан далолат берадики, жаҳонгўшалик (янги-янги ўлкаларни забт этиш), инсоннинг билиш уфқларини кенгайтирса ҳам унга иқбол келтирмас экан, чунки инсон абадий эмас ва қўлга киритган моддий бойлик, мулк ва сарҳадларини ўзи билан олиб кетолмайди.

Низомий Ганжавий охирги хулосасини айтмайди, ўзи асос солган янги тафаккур йўналишига ном бермайди, унинг учун ҳам кўп моҳиятлар мазмуни мубҳамлигича қолган, аммо у барибир кейинча «Хамса» деб аталган мутлақо янги маънавий оламнинг илк тарихини амалда яратиб кетди. Бу эса мустақил бадиий тафаккур тариқати деган гап эди.

Агар биз замондош ва қардошларимиз — бугунги Озарбайжон шоирлари бажарган улуғ меҳнатнинг қадрига етиб, уларнинг ижросидаги Низомий достонларининг озарбайжон тилидаги талқинини бироз ўзбек талаффузига мослаб, баъзи сўзларни изоҳи билан ҳозирги ёзувда нашр этсак, ўзбек китобхонини миннатдор этган булур эдик ва Навоий «Хамса»сининг Низомий асарларидан фарқи ҳам ёрқин кўринар эди. Ахир, озарбайжон тили ҳам ўзимизники, Фузулий ўзбекка бегона эмас.

М. ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

Низомий ГАНЖАВИЙ.

Ғазал

Мен ошиқмен гўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо,
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо.

Агарда кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,
Не чашма? Чашман дур ул. Не дурдир? Марварид аъло.

Хиром этса агар боғда, бўлур ҳар ёнда минг ғул-ғул,
Не ғул-ғул? Ғул-ғули булбул. Не булбул? Булбули шайдо.

Хаёлим бор дилимда, ғам ила ҳамдам хаёлдир ул.
Не ҳамдам? Ҳамдами маҳрам. Не маҳрам? Маҳрами жоно.

Нигоримда гўзаллик кўп, яна зулфида хушбўйлик.
Не хуш бўй? Хуш бўйи анбар. Не анбар? Анбари соро.

Низомий, дилбар ишқинда керакдир сенга бир шарбат.
Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил? Қотили бурро.

Рубоий

Умримиз-ку шому хуфтон ораси,
Яхшилик қилади одам сараси.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Дўст дилини овла, гапнинг хулласи.

Адолат фарзанди зафардир, зафар,
Зулмнинг меваси зарардир, зарар.
Сахийлик айбнигни ёпади осон.
Аммо бахт асосси ҳунардир ҳунар.

Не гаплар бор, қайтаришга чидамайди бет,
Дашном, ёлғон, ғиво, туҳмат сўздан узоқ кет,
Душман сўзи дея дўстдан кечмоқлик абас,
Не десалар десунлар, дўст бирла умр эт.

Ҳикмат

Ўзга қўли билан кавлама гавҳар,
Қўл-оёғинг ишлат тириксан магар.

Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Олтин топиб, сўнгра харжин кўзлагил.

Муҳаббатсиз киши мисоли музлик,
Юз жони бўлса ҳам ўликдир, ўлик.

Муҳаббатсиз бўлганда олам,
Қачон тирик бўларди одам.

Халқ хизматига ярашга интил,
Хулқинг била бу жаҳонни соз қил.

Қаламга олиб бедодлиқни,
Халқ ичра ўрнат ободлиқни.

Сулҳ ила иш битиб турганда зинҳор,
Тепкидан бошлама, бу кимга даркор.

Ноумид бўлмағил қаро кунда ҳам,
Қут қатраси қаро булут ичра жам.

Ноумидликдан ҳам умид урар бонг,
Қаро кечадан сўнг, отар оппоқ тонг.

„Ҳафт пайкар"дан

ФАРЗАНДИМ МУҲАММАДГА НАСИҲАТ

Эй ўғлим, ҳушёр бўл, ҳушёр бўл, ҳушёр,
Уйқуга кетгум мен, сен эса бедор.

Насибанг боғдаги гулдек очилмоқ,
Муҳаммад зиёси номингдан порлоқ...

Яхшилик тамғаси номингда харчанд,
Баландликдан яна кўтарил баланд.

Қачонки, бўлурман қабр ичра банди,
Шуҳратим кўтаргай номинг баланди.

Суҳбатдошлик қилғил яхшилар билан,
Ишларинг саранжом топар яхшидан.

Хушбўй, хушхулқ ила ўлтир бир нафас,
Бадхулқнинг суҳбати мисоли қафас.

Бир бадхулқ қўшилса улфатга агар,
Исми юз покиза номинг булғатар...

Яхшилик дуррини сақла маржонда,
Ёмондан узоқ бўл, қолма армонда...

Ҳунар ўрган, илму ҳунардан хуллас
Эшик очувчи бўл, ёпувчи эмас.

Кимки ўрганишни уят билмайдур,
Тошдан лаъл ундирар, сув қаъридан дур.

Кимнингки илмдан ризқу рўзи бор,
Илм ўрганишдан асло этмас ор.

Қанча тез фаҳмлар қилди танбаллик,
Охири ишларн бўлди ҳаммоллик...

Букун гуркираган жаҳонинг сенинг,
Йўл юр, оёқда йўқ нуқсонинг сенинг...

Ота-онасининг ортидан маъюсгина термулиб қолган болажон! Қара, боғча опаларинг сени қанчалик меҳр билан бағрига босмоқда. Бугун ҳаммма сенинг камолинг, истиқболинг учун хизматда. Мана бу кулиб турган тарбиячи опанг— Дилоромхон Маҳкамова тунн билан Алпомиш достонини ўқиб, бугун сенинг мурғак онгингга ўзбекнинг енгилмас афсонавий қаҳрамонининг жасоратини сингдирмоқда. Меҳрибон энага — Лолахон Тошболтаева эрта тонгдан сенинг яйраб ўйнашинг учун елиб-югуриб хоналарни чинни-чироқ қилиб тозалади. Сенинг дилинг равшан бўлса — унинг кўнгли равшан.

Болалик — беғуборлик, болалик — шоҳлик. Сен фақат яйраб-яшнаб ўсавер! Ҳукматимиз келажак авлодни ўсиб-унишн учун, камол топишн учун ҳамиша ғамхўрлик қилмоқда. Фарғона вилояти, Риштон районидаги «Риштон» давлат хўжалигида қад ростлаган 280 ўринли болалар боғчаси— сенинг оромгоҳинг. Сен беармон, қувнаб улғай! Сен билан меҳр- муҳаббат, эзгулик, поклик, яхшилик улғайсин!

Ҳ. МЕЛИБОЕВ олган сурат.

СОҒЛИГИНГ— БАХТИНГ

Халқ соғлиғи — эл бойлиги. Соғлом элнинг эса имони бутун. Мамлакатимиз иқтисоди тангликни бошидан кечираётган шу кунларда ҳам инсон соғлигини муҳофаза қилиш кечиктириб бўлмас муаммолардандир. Бу борада санаторий-профилакторий, дам олиш уйларининг фаолияти ибратлидир. Улар бугун юзлабминглаб қишлоқ кишиларига ўз бағрларидан жой бериб, дардчил бўлиб қолганларнинг сиҳат-саломатликларини тиклаб, ҳар томонлама руҳий мадад бермоқда. Айниқса Фарғона водийсининг сўлим, хушманзара ғўшасида жойлашган Олтиариқ санаторий хизматидан меҳнаткашлар беҳад мамнун. У ташкил этилганига 12 йил бўлди. Дастлаб 100 ўринга эга бўлган бу шифо маскани йиллар ўтиши билан секин-аста кенгайди.

1983 йил санаторийнинг янги даволаш бўлими қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ванналарга минерал сув қувурлар орқали оқиб келадиган бўлди. Бу сувда 20 хил фойдали модда бор.

Ҳозир санаторийда 300 киши дам олиб, турли муолажалар билан соғлиқларини тиклаяптилар. Палаталар яхши жиҳозланган. Ҳар бир қаватда совитгич, телевизор ўрнатилган. Супачаларга палос ва кўрпачалар тўшалган, Тоза, озода.

Санаторийда I-II группа Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари учун алоҳида 50 ўринли барча қулайликларга эга бўлган махсус бўлим бор.

Беморларнинг хасталик белгиларига қараб шифобахш минерал сув, парафин, массаж, хвойли ванна, ингаляция каби воситалар берилади. Бу ерда 1990 йили 4,5 минг, 12 йил ичида эса 45 минг киши дардига малҳам топди.

Даволанувчиларнинг ҳурмат, эътиборига сазовор бўлаётган ходимлар талайгина. Шифохона бош врачи, республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Зафар Мингалиев, бўлим бошлиғи Алишер Абдусатторов, шифокорлар Х. Сатторова, И. Аслонова, А. Ортиқов, ҳамширалар Ю. Полвонова, Ж. Ўринбоева шулар жумласидандир.

Санаторийнинг умумий майдони 35 гектар. Дам олиш жойлари ям-яшил дов-дарахтлар билан ўралган. Турли хил анвойи гуллар яшнаб турибди. Музей, омонат банк, почта бўлими, сартарошхона, ёзлик ва қишлик кинотеатр, чойхона, кутубхона, 300 кишига мўлжалланган ошхона доимо даволанувчилар хизматида.

Ҳар ҳафтада — Қўқон, Марғилон, Фарғона, Шоҳимардон каби хушманзара ва ғўзал жойларга саёҳат уюштирилади. Санаторийда ишлаб чиқариш илғорлари, олиму шоирлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Келгуси йил бу ерда 200 ўринли янги корпус, ошхона қуриш режалаштирилган.

М. РАСУЛОВ,
истеъфодаги майор.

АХБОРОТ

«ЗИЛОЛА» ИШГА ТУШДИ

Чимёндаги курорт зонасига қўшни Хонқиз қишлоғида Фарғона вилоят сув хўжалиги ходимларининг янги «Зилола» пансионати дастлабки даволанувчиларни қабул қилди. Уни йирик сув хўжалиги қурилиши ташкилоти — «Ферганаирстрой» трестининг Фарғонадаги механизациялашган махсус кўчма колоннаси бунёдкорлари барпо қилдилар.

— Пансионатимизда «Чимён» санаторийсидаги каби асаб-қон томирлари, тери ва таянч-ҳаракат аъзолари касталиклари даволанади, — деб ҳикоя қилади бош ҳаким Умаржон Латипов. — Асосий кадрлар, ўрта тиббиёт ходимлари, ошпазлар қўшни санаторийдан келишди. Даволаш жараёнида ишлатиладиган балчиқ ҳам ўша ердан келтирилмоқда.

Т. АҲМАДЖОНОВ.

АСР ТЕНГДОШИ

Фарғона вилоятининг Бувайда районига қарашли Чиркай қишлоғида ҳурматли отахон — Ҳусайнбобо Сиддиқов яшайди. У Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг ширкатдан тортиб коллективлаштириш ишларида фаол қатнашди. Биринчилар қатори саводнни чиқариб, қишлоқда ташкил топган илк мактабда ўқитувчилик қилди.

Ҳусайнбобо билан суҳбатлашсангиз, бир аср мобайнида бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Бўлиб ўтган очарчилик ва у келтириб чиқарган қийинчиликлар қандай фойдали этилганлиги, Катта Фарғона каналини қазиш, Улуғ Ватан урушида халқимиз кўрсатган жасоратларни маржонни тизгандек ҳикоя қилиб беради.

Ҳусайнбобо ҳозир 107 ёшда. Етти нафар фарзандининг отаси, 50 дан ортиқ невара-чеваранинг бобосидир.

К. ТУРСУНОВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Денов районидаги «8 Март» жамоа хўжалигининг Ободон қишлоғида янги 20 ўринли чойхона ва новвойхона фойдаланишга топширилди. Қурилишни қишлоқ аҳолиси ҳашар йўли билан амалга оширди.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

Футбол

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИГА

Ўша машъум воқеа рўй бермаганида пахтакорчилар мамлакат чемпиони бўлишармиди? Бундай умидбахш гаплар ишқибозлар даврасида тез-тез қулоққа чалиниб туради. Уларни эшитганингда беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Ўша йилларда «Пахтакор» таркибида ўйнаб, СССР биринчилигида чиройли ўйинлари билан кўп сонли мухлисларни хушнуд этган иқтидорли футболчилар Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Олим Ашуров, Равил Агишев ва уларнинг шерикларига дил-дилингдан ачинасан, кўзларингда аччиқ ёш қалқийди...

Йўқ, улар унутилгани йўқ, ҳамон ёдда турибдилар. Шу кунларда ҳамма учун севимли бўлиб қолган «Пахтакор» таркибида ўйнаётган футболчиларнинг ҳар йили мамлакат биринчилиги олдидан собиқ клубдошлари мозорини зиёрат қилишлари, улар қабрига гуллар қўйишлари анъанага айланди.

Куни кеча авиация фалокатида ҳалок бўлган пахтакорчиларни улар хотира-соврини учун иккинчи бор ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақаси иштирокчилари — 1979 йилда таваллуд топган ёш футболчилар ҳам эсладилар.

1 августда бошланган ўсмирлар бақсида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 12 жамоа қатнашмоқда. Булар Киевнинг «Динамо», Душанбенинг «Помир», Барнаулнинг «Горизонт», Наманганнинг «Хотира», Тошкентнинг «Авиастроитель», «Текстильчик», «Пахтакор» жамоалари, Челябинск, Қўрғонтепа, Самарқанд, Нижне-Камскнинг болалар-ўсмирлар спорт мактаблари талабаларидир. Улар уч гуруҳга бўлиниб, баҳс юритаяптилар. Мусобақалар Тошкент ва Уйчи ўйингоҳларида ўтказилмоқда. Ҳар бир учрашув қизиқарли ўтаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўсмирларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига «Совет — Болгария — Австралия «Тин», Болгариянинг «Альбена Инфекс» фирмалари, Тошкентнинг 3-автокомбинати ҳомийлик қилмоқдалар. Ғолибларни тақдирлаш учун шаҳодатномалар, нишонлар, кийимларнинг кўкрак қисмига тақиладиган тамғалар олдиндан тахт қилиб қўйилди. Мусобақага меҳмон сифатида ҳалок бўлган футболчиларнинг рафиқалари таклиф этилди. Қисқаси, ҳар бир учрашувни юксак даражада ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Ўсмирларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига «Совет — Болгария — Австралия «Тин», Болгариянинг «Альбена кентнинг «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказиладиган финал учрашуви билан ниҳоясига етади.

Ҳалок бўлган пахтакорчилар хотира-соврини учун мусобақалар ўтган йили илк маротаба ўтказилганди. Бу йилги баҳсга 16 жамоа таклиф этилди. Ўтган йили тўпланган тажриба ўсмирларнинг Бутуниттифоқ мусобақасини ўтказиш маҳоратни ошириш мактаби ролини ўйнаши, иқтидорли ёшларнинг камол топиши учун ёрдам беришини кўрсатди. Шу боис келгусида бу мусобақаларни янада оммавийлаштириш, уларда иштирок этадиган вакилларни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Энг эътиборлиси — барча бўғинлар бўйича ҳалок бўлган пахтакорчилар номидаги совринлар таъсис этилганидир. Чунончи, энг яхши дарвозабонга Сергей Покатилов, энг яхши ҳимоячига Олим Ашуров, энг яхши ярим ҳимоячига Михаил Ан, энг яхши ҳужумчига эса Владимир Фёдоров номидаги совринлар берилади. Уларни ғолибларга ана шу таниқли чипор тўп усталарининг умр йўлдошлари топширадилар. Мақсад шуки, мазкур мусобақалар уларнинг ёш иштирокчилари ҳаётида қувончли воқеа бўлиб, хотираларида унутилмас бўлиб қолсин.

Т. ҒАФУРОВ.

Муҳаррир
Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

7 АВГУСТ
ЧОРШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Қизил елканлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).
10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.30 «Касблар ҳақида қиқоялар». Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми.

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Киноанжуман таассуротлари» (XVII Москва халқаро кинофестивали ҳақида).
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Дунё кезган либослар».
21.55 Тижорат хабарлари.
22.00 «Ахборот».
22.25 Шароф Бошбеков. «Тақдир эшиги». Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театрининг спектакли.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
18.30 «Сим девор ортидаги тарбиячи» (рус тилида).
19.00 «Пульс». Хабарлар.
19.10 «Севишганлар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.10 «Туркманистон».
21.30 «Тоғлар тутаяпти». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
22.50 Футбол. «Копет-даг» —«Касансаец» (Косонсой). 2-тайм.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 «Тунги жаҳонгаштлик». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Норвегия). 1 ва 2-сериялар.
9.55 Халқ ўйинлари.
10.30 Чемпионлар билан биргаликда.
10.45 «Болалар мусиқий клуби».
11.30 ТСН.
11.45 Долзарб репортаж.
12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Ҳодиса». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.55 «Уруш акс садоси». Ҳужжатли фильм.
16.15 «Мусиқий хазина».
16.55 Болалар учун фильм. «Ташвишдан қўрққан, бахтга муяссар бўлмайди». 2-серия.
18.00 ТСН.
18.15 «Планета». Халқаро программа.
19.00 «Плюх ва Плик». Мультфильм.
19.10 «Тунги жаҳонгаштлик». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.
20.30 «Время».
21.10 Долзарб интервью.
21.25 «Ялта-91». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг VI телетанлови. Танловнинг I куни— қўшиқлар премьераси.
00.05 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.25 «Астра» ахборот-ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таништиради: «Бугун юлдузлар кимга керак?».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 Духовой оркестр чалади. 8.35 «Пиф-паф ой-ой». Мультфильм. 8.55 «Владимирлик гимнастикачилар». 9.25 «Делегатскаядаги музей». 9.45 «Адам Смит бойлиги дунёси». Айдаходо микросхемалар ишлаб чиқариш. 10.20 «Англаб етмоқчиман». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

13.30 Болалар учун фильм. «Мишка, Кичкинтой ва бошқалар». 1 ва 2-фильмлар («Центрнаучфильм»). 14.20 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 15.35 М. И. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг концерти.

* * *

18.30 «Бўса». Мультфильм. 18.35 «Вертикаль» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 «Ҳаёт дарахти». Телефильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Л. Бетховен. Соль мажор торли триоси. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Коллаж. 21.15 «Киносерпантин» кўрсатуви саҳифаларида. Танаффус пайтида — 22.35 «Сиз ўзингизга ишонасизми?». Телефильм.

БУЮРТМА № 5816. Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10.